

РАҲМАТУЛЛОҲ САЙФУДДИНОВ

ИБРАТЛИ ХОНАДОН



Тошкент 2013

УЎК: 37.018.1:297

КБК: 87.7

И 14

Аллоҳ таоло эр-хотинга никоҳ билан оила қуриб, иноқлик ва меҳрибоналикда яшашни буюрган. Бундан бошқа йўллارни излаш, яъни шу белгилаб берилган илоҳий йўсундан четга чиқиш сабабли инсоният бошига чексиз балою офатлар ёғилиши муқаддас диний ва дунёвий-тарихий китоблардан яхши маълум.

Юртимизда таниқли имом-хатиблардан Раҳматуллоҳ Сайфуддинов ушбу рисоласида одамларни шундай хавфдан огоҳлантириб, Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муқаддас хонадони мисолида мусулмонларни гўзал, тотув ҳаёт кечиришга ундайди. Бугун молпарастлик касалига учраган баъзи юртдошларимиз келин томонни катта қийинчиликларга гирифтор этаётганларини қоралаб, Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўта камтарона моддий асосга, лекин мустаҳкам имон-эътиқод, ҳартомоннама самимий муомала негизига қурилган турмуш тарзидан ибрат олиб яшашга чорлайди. Бу даъватнинг тасдиғи ўлароқ Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қариндошлари билан алоқалари, уйларидаги муомала маданияти, аҳли аёллари, қизларига муносабатлари, руҳий камолотлари ва олий ахлоқлари каби масалаларга эътибор қаратади. Шу асосда жамиятда эр-хотинлик, ака-укалик, асранди бола ҳақ-ҳуқуқлари, аҳли аёлига хизмат ва нафақа қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр юритади.

Сайфуддинов, Раҳматуллоҳ.

Ибратли хонадон / Раҳматуллоҳ Сайфуддинов; масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. — Тошкент: “Movarounnah”, 2013. — 96 б.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 1281-рақамли тавсияси билан чоп этилди.

ISBN 978-9943-12-223-9

© Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ

© «Movarounnah» нашриёти, 2013



“Одамдан (алайҳиссалом) то қиёматгача ибодат қилиб белгиланган ҳамда охиратда жаннатда ҳам давом этадиган амал иккитадир: имон ва никоҳ” (Ханафий мазҳабининг йирик уламоларидан Муҳаммад Амин ибн Обиддин раҳматуллоҳи алайҳ).

МУҚАДДИМА

Инсониятга никоҳ орқали оила қуриб яшашни ирода қилган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсинки, халқимиз никоҳ ақдини муқаддас билиб, усиз оила қуриш ва насл қолдиришни тасаввур ҳам қилолмайди.

Оилани бошқариш ва фарзандлар тарбияси ишида бошқаларга намуна бўлиб келган халқимизнинг бу даражага етишувида Куръони карим оятларида никоҳга даъватлар, маҳбуб пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо (солаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларидаги тарғиблар, уламоларимизнинг асрлар оша никоҳ ҳақида чиқарган фатволари ва мухлис халқимизнинг уларга эргашуви муҳим омил бўлгани аниқ.

Бу равшан хулосани зеҳнингиз осон қабул қилиши учун Қуръони каримдан бир оятни, бир ҳадиси шарифни ва уламоларимизнинг бир фатво-сини эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз.

وَمَنْ ءَايْتِهِۦٓ أَنْ خَلَقَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا لِتَسْكُنُوا
إِلَيْهَا وَجَعَلَ بَيْنَكُمْ مَوَدَّةً وَرَحْمَةً إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ
يَتَفَكَّرُونَ

«Унинг аломатларидан (яна бири) – сизлар (нафсни қондириш жиҳатидан) таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўртангизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган кишилар учун аломатлар бордир» (Рум, 21).

Аллоҳ таоло одамзодни аввалдаёқ инсон қилиб яратди. Олдинига ҳайвон қилиб, сўнгра инсонга айлантиргани йўқ. Ўзининг қудрати ва раҳматидан башар аҳлини эркак-аёлга ажратиб, бир-бирларига жуфт бўлишга мослади. Чуқур тафаккур қилинса, бундай яратилишнинг ўзи Аллоҳнинг буюк неъматидан экани ойдинлашади. Бундай жуфтликнинг ҳикмати эса бандаларнинг хотиржамлик, сокинлик топишидир.

Дарҳақиқат, эркак фақат аёлидангина сокинлик, ором, ҳузур-ҳаловат ва осойишталик топади. Зеро, оила қуришнинг бош мақсадларидан саналмиш насл қолдириш ҳам фақат эркак-аёл жуфт-лигидан вужудга келади. Бу жуфтликнинг шаръан ҳалоллигини таъминлайдиган ягона нарса эса никоҳдир.

Агар Аллоҳ таоло эр билан хотин орасига севги, меҳр-шафқат каби туйғуларни солмаса, улар

бир-бирларининг камчиликларига чидаб, оила қийинчиликларини кўтара олармидилар? Сабр билан бирга яшармидилар?

Маълумки, Қуръони карим фақат тиловат қилинадиган ёки вақтинчалик муаммолар ҳал қилинганидан сўнг шунчаки ёдгорлик сифатида сақлаб қўйиладиган китоб эмас. Балки ҳар замон ва маконга шомил, муносиб ҳукмлар бера оладиган Илоҳий Каломдир.

Хўп, юқорида биз ўқиган оятнинг қандай маънолари бор? Биз шундоқ ҳам жуфтлик деганда, эркак ва аёл жуфтлигини тушунамиз-ку, дерсиз? Наҳотки, инсон бошқа хилқатлар билан ҳам жуфтлаша олса, деб ҳайрон бўларсиз?

Келинг, ояти кариманинг тафсирига яна бир назар ташлайлик. Инсон кўзига кўринган, қулоғига чалинган ҳар бир ғайритабиий нарсани “мўъжиза” деб номлашга одатланиб қолган. Шаръий истилоҳда эса Аллоҳ таоло фақат пайғамбарларга берган, инсон ақли ва тоқатини ожиз қолдирадиган нарса-ҳодисалар “мўъжиза” деб айтилади.

Валий бандалардан содир бўлган ғайриоддий ҳодисалар эса “каромат” деб аталади. Бевосита Аллоҳ таолодан собит бўлган нарсаларга қудрат ёки сунъат дейилади. Инсоннинг жуфти унинг ўзидан яратилгани, яъни эркак ва аёл жуфтлиги Аллоҳ қудрати эканини баён қилувчи ушбу ояти карима аҳамиятини кейинги асрлар авлодлари жуда яхши англаб етдилар. Чунки тараққиёт авж олиб, маданиятлар мусобақалашаётган бу икки асрда ўзларини дунё халқларининг пешвоси деб даъво қилаётган баъзи халқлар ва давлатларда бир жинслилар ўртасида “никоҳ” кўпайиб бормоқда. Натижада, айрим ғарб давлатларида бир жинслилар никоҳидан нафратланмайдиганлар сони ортиб,

бу жиноятга оддий ҳодисадек қараладиган бўлди. Энг ёмони, бир жинслилар ўртасидаги никоҳга рухсат берувчи қонунлар ҳам ишлаб чиқилди ва қабул қилинмоқда. Яна улар баралла овоз билан “Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиляпмиз!” дея бутун дунёга жар солмоқдалар.

Бир жойда икки эркак қўл ушлашиб, оила қураётган бўлса, бошқа бир жойда аёл киши ўз ити билан никоҳдан ўтиб, мол-мулкини ўша “жуфти”га мерос қолдирмоқда. Бу ҳол ҳеч бир ақлга ҳам, қонунга ҳам, одамгарчиликка ҳам тўғри келмайдиган, жирканч иллатдир. Ўз тарихини ҳурмат қилувчи, ўзини инсон зотидан деб билувчи, яшаётган даврини севиб, келажаги ҳақида қайғурувчи ҳар бир инсон бундай аянчли, кечирилмас жиноятга нисбатан муросасиз бўлмоғи, бундай шароитда, айниқса, ёшлар тақдири ҳақида жиддий бош қотирмоғи зарур.

Ҳеч кимга сир эмас, бугун дунёнинг нариги чеккасида содир бўлган воқеа ўша лаҳзалардаёқ фарзандимиз қўлидаги компьютер ёки телефонда намён бўлаётир. Ҳаёт сабоқларидан дарс олишга улгурмаган ёшлар орасидан бу каби жирканч, инсониятга бегона иллатларга нисбатан майл билдирадиганлар чикмайди, деб ҳеч қайсимиз кафолат бера олмаймиз.

Одам боласи ёлғиз яшай олмайдиган қилиб яратилган. Шунинг учун у оила қуришга, ўзига жуфт танлашга, эҳтиёжини шу жуфтидан қондиришга муҳтождир. Қуръони карим бу маънони **“таскин топишингиз учун”**, деб баён қилди. Ҳа, ҳар бир эркак жисмида, руҳида жуфтининг кўмагига, унинг қўллаб-қувватлашига муҳтожлик бор. Шунингдек, ҳар бир аёлда ҳам. Мисол тариқасида ҳиндистонлик олим Сафийюр-Раҳмон Муборакфу-

рий қаламига мансуб Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сийратларига бағишланган “Ар-Раҳиқ ал-махтум” асаридан иқтибос келтириб ўтамиз.

«Бу воқеадан (илк ваҳийдан) Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қалблари титраб, уйларига қайтдилар. Хадича бинт Хувайлид (розияллоҳу анҳо) олдига кириб: “Мени ўраб қўйинглар, мени ўраб қўйинглар!” дедилар. Набийнинг (алайҳиссалом) қўрқувлари тарқагунга қадар у зотни ўраб қўйишди. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Менга нима бўлди ўзи?” деб, Хадичага (розияллоҳу анҳо) бўлиб ўтган воқеани сўзлаб бердилар ва: “Ўзимдан қўрқдим!” дедилар. “Ҳаргиз! Аллоҳга қасамки, Аллоҳ Сизни ҳеч қачон хор қилиб қўймас! Ахир Сиз яқинларингиз билан силаи раҳм қиласиз, оғирликни кўтарасиз, йўқсилнинг ҳолидан хабар оласиз, меҳмонни иззат-икром қиласиз, мусибатзадаларга ёрдам бера-сиз!” деди Хадича (розияллоҳу анҳо)».

Биз ушбу тарихий воқеадан Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) илк ваҳийни қабул қилиб олганларидан сўнг изтиробга тушиб, жуфти ҳалоллари Хадичадан (розияллоҳу анҳо) қандай маънавий ёрдам олганлари, у кишининг эса Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўша вақтларда ҳам яхши саналган ахлоқи ҳамидаларини эсла-тиб, хотиржам қилганларини англаймиз.

Фараз қилинг, ички ҳовлимизга, аёл-қизлари-миз истиқоматда бўлиб турган жойга бирорта но-махрам бош суқиб қараса, қанчалик рашк қила-миз. Чунки аёл-қизлар номахрам назарига нишон бўлишига ор-номусимиз йўл қўймайди. Айниқса, қиз бола омонат, ота қизини кўз қорачиғидек ас-райди. Қизининг шаънига бирор гап эмас, ҳатто

гард ҳам юқтирмасдан турмушга узатишни ўзининг оталик бурчи деб билади. Шунчалик авайлаб-асраб, вояга етказган қизини вақти-соати келганда бегона бир эркакка никоҳлаб, яна тўй қилиб бериши, шунча харажатларни оғринмай зиммага олиши нимани англатади? Униб-ўсган жойидан кўра келин бўлиб тушган жойи у қизнинг асл уйига айланиши, ота-онаси, ака-ука, опа-синглисидан ҳам кўра эри унинг учун энг яқин инсонга – танмахрамига айланиши Аллоҳ таоло ўртага муҳаббат ва шафқат солганидан эмасми? Ўйлаб кўринг, инсоннинг ўзи туғилиб-ўсган оиласидан бошқа оилага бориб, мутлақо бегона одамлар билан бирга тотув яшаб кетиши аслида қийин масала. Лекин Аллоҳ таоло аёл зотини шунга кўникувчан қилиб яратди.

Барибир кўникади деб, янги тушган келинга номақбул талаблар қўявериш, албатта, инсофдан эмас. Келин янги жойга ўрганиб, мослашиб кетиши учун эри ва унинг яқинлари кўрсатадиган меҳр ва шафқатга муҳтож бўлади. Чунки яратилиши, яъни танаси, суяги, эти, гўшти, пайи, мияси, ақли, ҳис-туйғулари ва ҳатто ҳужайралари қиёслаб кўрилганида ҳам аёл киши эркакдан фарқ қилади. Унинг вужуди латофат, юмшоқлик, меҳрибонлик, шиддатни кўтара олмаслик, ҳаяжонга берилиш, она ва хотин бўлиш каби аёлга хос хусусиятларга эга қилиб яратилган.

Оят сўнгида: **“Албатта, бунда тафаккур қиладиган кишилар учун аломатлар бордир”** (*Рум, 21*), дейилди.

Ҳа, албатта, бу ҳақда чуқурроқ ўйламоқ керак. Агар эркак ва аёллар ташқи ва ички тузилишлари, бир-бирларидан фарқлари ҳақида тафаккур қилсалар, ўзаро таскин, сокинлик топишлари учун яратилганларини англаб етадилар ва хотиржам

хаёт кечеришга ҳаракат қиладилар. Оила қуриш арафасида турганлар орадаги муҳаббат ва шафқат асли Аллоҳ таолодан эканини тафаккур ила тушуниб етсалар, нима бўлса ҳам, бир-бирларини ёмон кўрмас ва ўзаро шафқатсиз бўлмас эдилар.

Ахир икки ёш ўзаро бир-бирларини ёқтиришиб, келишиб, муштарак буюк мақсад сари отландилар. Бу мақсад эса никоҳ ақди орқали покиза турмуш қуришга буюрган Аллоҳ таолонинг розилигини топиб, пок, соғлом насл қолдиришдан иборатдир. Демак, у келиннинг она бўлиши кутилади.

Ўз жуфти ҳалолига раҳм-шафқат қилмайдиган эрдан, ўз фарзандлари онасига меҳрибонлик кўрсатмайдиган отадан, умуман, инсоний раҳм-шафқат кутиш қийин. Никоҳ руҳий кўнгил алоқасидир. Шунинг учун у муҳаббат, раҳм-шафқат асосида бўлиши лозим.

Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак суннатларида никоҳга жуда кучли тарзда тарғиб қилинади:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ:
يَا مَعْشَرَ الشَّبَابِ مَنْ اسْتَطَاعَ مِنْكُمْ الْبَاءَةَ فَلْيَتَزَوَّجْ فَإِنَّهُ
أَغْضُ لِلْبَصْرِ وَأَحْصَنُ لِلْفَرْجِ وَمَنْ لَمْ يَسْتَطِعْ فَعَلَيْهِ بِالصَّوْمِ
فَإِنَّهُ لَهُ وَجَاءٌ. رَوَاهُ الْخُمْسَةُ.

Абдуллоҳдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эй ёшлар жамоаси, сиздан ким никоҳга қодир бўлса, уйлансин. Албатта, у кўзни тўсувчи ва фаржни сақловчидир. Ким қодир бўлмаса, рўза тутсин, бу унинг учун сақланишдир”, деганларини эшитдим» (Бешовлари ривоят қилган).

Ушбу ҳадиси шарифдан маълум бўладики, моддий, маънавий ва жисмоний жиҳатдан никоҳга қодир бўлган кишилар дарҳол уйли-жойли, оилали бўлишга ҳаракат қилмоқлари зарур экан. Аксинча, никоҳга моддий ёки маънавий жиҳатдан қодир бўлмаган, сарф-харажатни кўтара олмайдиган ва жисмонан оилага тайёр бўлмаган ёшлар рўза тутиш орқали шаҳватларини тийиб юришлари керак бўлади. Чунки рўза тутиш инсондаги шаҳвоний эҳтиросни пасайтириб, бошқа жинс вакилларига шаҳват билан қарамайдиган, фаржини зинога ишлатмайдиган ҳолга келтиради.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Ислом дини аҳкомларини нозил қилар экан, зинони ҳаром санаб, инсон наслини пок сақлаш йўлини тутди ва никоҳга буюрди. Зеро, оила Набийнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ахлоқларидан ибратланиш, ўзини исломий одоблар билан зийнатлаш учун қурилади.

Суюкли Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Ким менинг суннатимдан юз ўгирса, мендан эмас”, деган муборак ҳадислари имкони бўлатуриб, оила қурмаслик мўмин-мусулмонга мутлақо тўғри келмаслигини англатади. Чунки Аллоҳ таоло инсон зотини жинсий рағбат билан яратган. Бу рағбат унинг бахт-саодати, инсоният келажаги учун заруратдир. Ана шу жинсий майлни пок йўл билан қондириш шаръий никоҳ орқали амалга оширилади. Агар бу иш нопок – ҳаром йўллар билан қилинса, ҳар хил иллатлар, зарарлар келиб чиқиши билан бирга, катта гуноҳларга ҳам сабаб бўлади.

Уйланмай, жинсий майлни қондирмай яшаш эса инсон табиатига зид ва зарарлидир. Бунда инсон нафақат соғлигини йўқотади, балки насл давомийлиги узилишига, дунёнинг хароб ҳолга кели-

шига сабабчи бўлиб қолади. Шунинг учун Ислом никоҳга тарғиб қилиш билан бирга, ундан бош тортишни ҳам қаттиқ қоралайди.

Шунингдек, жинсий майлни пок йўл билан эмас, ҳаром йўл билан қондириб юрувчилар ўзлари ва ўзгалар бошига турли офатлар ёғилишига сабабчи бўладилар. Зино каби гуноҳлар денгизида ғарқ бўлмасликнинг ягона йўли – бу Набийнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаёт йўллари дир. Аллоҳ таолонинг сўнгги Пайғамбари бўлмиш Муҳаммаднинг (алайҳиссалом) ўзлари оилавий ҳаётлари билан барчага намуна бўлганлар ва кўплаб ҳадисларида оила қуриб яшашга тарғиб қилиб, бу борада бахт ва саодат негизини ташкил қилувчи кўрсатмалар берганлар.

Никоҳ шариатга Қуръони карим, суннати набавийя ва Ислом умматининг ижмоси орқали кирган: Имом Шофиъийдан бошқа барча уламоларимиз никоҳни ибодат ҳисоблаганлар. Улар: “Аллоҳ ва Унинг Расули (алайҳиссалом) амр қилган ҳар қандай иш ибодатдир, никоҳ айни шундай ишлардандир”, деганлар. “Никоҳ ибодатдир”, деб ҳукм чиқарган мужтаҳидлар пешвоси Имоми Аъзам Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) бўладилар.

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَنَّ نَاسًا مِنْ أَصْحَابِ النَّبِيِّ ﷺ قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ زَهَبَ أَهْلُ الدُّثُورِ بِالْأُجُورِ يُصَلُّونَ كَمَا نُصَلِّي وَيُصُومُونَ كَمَا نَصُومُ وَيَتَصَدَّقُونَ بِفُضُولِ أَمْوَالِهِمْ قَالَ أَوْ لَيْسَ قَدْ جَعَلَ اللَّهُ لَكُمْ مَا تَصَدَّقُونَ إِنَّ بِكُلِّ تَسْبِيحَةٍ صَدَقَةٌ وَكُلِّ تَكْبِيرَةٍ صَدَقَةٌ وَكُلِّ تَحْمِيدَةٍ صَدَقَةٌ

وَكُلِّ تَهْلِيلَةَ صَدَقَةٍ وَأَمْرٌ بِالْمَعْرُوفِ صَدَقَةٌ وَنَهْيٌ عَنِ مُنْكَرٍ
صَدَقَةٌ وَفِي بُضْعٍ أَحَدِكُمْ صَدَقَةٌ قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ أَيَأْتِي
أَحَدُنَا شَهْوَتُهُ وَيَكُونُ لَهُ فِيهَا أَجْرٌ قَالَ أَرَأَيْتُمْ لَوْ وَضَعَهَا
فِي حَرَامٍ أَكَانَ عَلَيْهِ فِيهَا وَزْرٌ فَكَذَلِكَ إِذَا وَضَعَهَا فِي الْحَلَالِ
كَانَ لَهُ أَجْرًا. رواه مسلم.

Абу Заррдан (розияллоҳу анху) ривоят қилинади: «Набийнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларидан баъзилари: “Ё Расулulloҳ! Моли кўплар ажрни олиб қўймоқдалар. Биз намоз ўқиганимиз каби намоз ўқийдилар, биз рўза тутганимиз каби рўза тутадилар ва молларининг ортиқчасини садақа қиладилар”, дейишди. Расулulloҳ (алайҳиссалом): “Аллоҳ сизлар учун садақа имконини бермадими?! Албатта, ҳар бир тасбеҳ садақадир, ҳар бир такбир садақадир, ҳар бир ҳамд садақадир, ҳар бир таҳлил садақадир, амри маъруф садақадир, наҳйи мункар садақадир. Ҳар бирингизнинг аёлингиз билан қўшилишингиз ҳам садақадир”, дедилар. “Ё Расулulloҳ! Биримиз шаҳватини қондирса, бу ишида унга ажр бўладими?” дейишди. “Айтинглар-чи, агар у ўшани ҳаромга қўйса, унга гуноҳ бўлармиди? Шунингдек, агар уни ҳалолга қўйса, унга ажр бўлади”, дедилар» (Имом Муслим).

Зино хавфи аниқ бўлган вақтдаги никоҳ ҳатто ҳаждан ҳам олдинги ўринга қўйилган. Аллоҳ насиб этиб, оила қурган кишилар катта бахтга эришган зотлар ҳисобланадилар.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَلَكِنْ إِذَا دُعِيتُمْ فَأَدْخُلُوا فَإِذَا طَعِمْتُمْ فَانْتَشِرُوا

«...балки чақирилганингизда киринг ва таомдан кейин гапга берилиб кетмай, тарқалинг» (Аҳзоб, 53).

Ушбу ояти каримада валийма – никоҳ эълони зиёфатига даъват, таом ейиш ва унда узоқ қолмай, тарқалиш ҳақида сўз бормоқда. Валийма мусулмон киши ўзига етган хурсандчилик муносабати билан уюштирган зиёфатдир. Мусулмон одам Аллоҳ таоло томонидан унга берилган бир неъматга шукр маъносида дастурхон ёзиб, бошқаларни ҳам ўз қувончига шерик қилишни истайди. Шунинг учун уларни зиёфатга чорлайди. Демак, валийма ва унинг одоблари Қуръони каримда зикр этилган. Бу алоҳида эътиборга сазовор ишдир.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِذَا دُعِيَ أَحَدُكُمْ إِلَى الْوَلِيمَةِ فَلْيَأْتِهَا. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

Ибн Умардан (розияллоҳу анху) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қачон бирингиз валиймага таклиф қилинса, унга борсин”, дедилар» (Бешовлари ривоят қилган).

Ушбу ва бошқа ҳадисларда валиймага қилинган таклифдан келиб чиқадиган ҳукм, яъни унга бориш ҳақидаги амрни уламоларимиз турлича таъвил қилганлар. Моликий, шофиъий ва ҳанбалий мазҳабларида валиймага қилинган чақирикни қабул этиб, унда иштирок қилиш мандуб (яхши) ҳисобланади.

Никоҳ тўйи валиймасига даъват қилинганида бориш эса моликий, шофиъий ва ҳанбалий мазҳабларида фарзи айн (таклиф этилган ҳар бир кишига фарз) ҳисобланади. “Никоҳ тўйдан бошқа зиёфатга даъват қилинганида бориш вожиб эмас”,

деганлар. Шофиъий ва ҳанбалийларнинг баъзилари: “Никоҳ тўйи валиймасига қилинган даъватни қабул этиб, унга бориш фарзи кифоя (вакил ёки вакиллар бориши кифоя)”, деганлар.

Ҳанафий мазҳабимизда эса, номи валийма бўлса, таклифни қабул этиб, иштирок этиш учун бориш мандубдир.

Уламоларимиз бу борада чиқарган ҳукмлар мазмуни қуйидагича экани маълум бўлади: Бир инсон барча тартиб-қоидаларга мос равишда никоҳ тўйи қилди. Тўйига иккинчи бир инсонни таклиф этса, у таклифни қабул қилиши ва тўйга бориши ёки бора олмаган тақдирда, узрини айтиб қўйиши керак. Агар бу таклифга бефарқ бўлса, жавоб бермаса, жумҳур уламо наздида, у инсон гуноҳкор бўлади. Бу борада энг енгил йўл танлаган бизнинг мазҳабимиздир.

Ҳанафийлар никоҳ тўйи даъватига жавоб беришни мандуб амал ҳисоблаганлар. Қизиқ, нима учун шариат никоҳ тўйига даъват қилинганда лоқайд муносабатда бўлган инсонни савобдан маҳрум этиб, аксинча, никоҳ ишига жиддий қараб, унинг аҳкомларига ҳурмат бажо келтирадиган кишиларга савоблар ваъда қилади? Чунки никоҳ оила қуриш ишидир. Оила эса жамиятнинг асосини ташкил этади. Шу туфайли мусулмонлар орасида ижтимоий алоқалар ривожланади, ҳамжиҳатлик кучаяди. Борди-келди, қариндошчилик ришталари боғланади. Никоҳ алоқаси нафақат ёшларни янги бир оилага бирлаштиради, балки улар ортида турган ота-оналарни, икки оиланинг бошқа аъзоларини ва қавму қариндошларни ҳам ўз доирасига тортади. Насаб йўлидан ташқарида бўлган одамлар қудачилик алоқаси орқали қариндошларга айланадилар. Шунинг учун Исломда насаб алоқасига

қандай қаралса, қудачилик алоқасига ҳам шундай қаралади.

Никоҳ ва оилага муносабат

Бу ўринда динимизнинг оилага эътибори ва жамиятда оиланинг ўрни назарда тутилади. Ислом дини оила шаънини қанчалик ҳимоя қилишини, оила Қуръони каримда ҳам бош мавзулардан эканини англаш учун Нисо сурасидан икки оят ва уларнинг тафсири билан танишиш кифоядир.

الرِّجَالُ قَوَّامُونَ عَلَى النِّسَاءِ بِمَا فَضَّلَ اللَّهُ بَعْضَهُمْ عَلَى بَعْضٍ
وَبِمَا أَنْفَقُوا مِنْ أَمْوَالِهِمْ ۚ فَالصَّالِحَاتُ قَنِينَاتٌ حَافِظَاتٌ
لِّلْغَيْبِ بِمَا حَفِظَ اللَّهُ ۗ وَاللَّتِي تَخَافُونَ نُشُوزَهُنَّ فَعِظُوهُنَّ
وَأَهْجُرُوهُنَّ فِي الْمَضَاجِعِ وَاضْرِبُوهُنَّ فَإِنْ أَطَعْنَكُمْ فَلَا
تَبْغُوا عَلَيْهِنَّ سَبِيلًا ۗ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلِيمًا كَبِيرًا ﴿٣٤﴾

«Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиғи сифатида доимий) қоим турувчилардир. **Сабаб** – Аллоҳ уларнинг айримлари (эркаклар)-ни айримлари (аёллар)дан (баъзи хусусиятларда) **ортиқ қилгани ва** (эркаклар ўз оиласига) **ўз мол-мулкларидан сарф қилиб туришларидир.** (Аёллар ичида) **солиҳалари** – бу (Аллоҳга ва эрига) **итоатли, ғойибга Аллоҳ сақлаганича ҳимоятли** (яъни, эрларининг сирлари, мулклари ва обрўларини сақловчи)лардир. **Хотинларнинг итоатсизлигидан қўрқсангиз, аввало, уларга насиҳат қилинг, сўнгра** (бу таъсир қилмаса,) **уларни ўринларда** (алоқасиз) **тарк этинг, сўнгра** (бу ҳам кор қилмаса) **уларни** (мажруҳ бўлма-

гудек даражада) уринг. Аммо сизларга итоат қилсалар, уларга қарши (бошқача) йўл ахтарманг. Албатта, Аллоҳ олий ва улуғ зотдир» (34-оят).

وَإِنْ خِفْتُمْ شِقَاقَ بَيْنِهِمَا فَابْعَثُوا حَكَمًا مِّنْ أَهْلِهِ، وَحَكَمًا
مِّنْ أَهْلِهَا إِنْ يُرِيدَ إِصْلَاحًا يُوَفِّقُ اللَّهُ بَيْنَهُمَا
إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلِيمًا حَبِيرًا ﴿٣٥﴾

«Агар улар (эр-хотин)нинг оралари бузилиб кетишидан кўрқсангиз, эр оиласидан бир ҳакам, хотин оиласидан бир ҳакам юборинг. Агар (эр-хотин) ислоҳни хоҳласалар, Аллоҳ ўрталарини мувофиқлаштиргай. Албатта, Аллоҳ билимдон ва хабардор зотдир» (35-оят).

Энди оятларни батафсил таҳлил қилиб кўрайлик. Ҳа, жамият хайр-барака ила ривож топиб бориши учун унда тартиб-интизом, тинчлик-омонлик ҳукм суриши, раҳбар бўлиши лозим. Исломотаълимотига кўра, оила жамиятнинг асосидир. Шундай экан, оиланинг ҳам раҳбари бўлиши керак. Ана шу раҳбарлик эркакка берилди. Нима учун?

“Аллоҳ уларнинг айримлари (эркаклар)ни айримлари (аёллар)дан (баъзи хусусиятларда) ортиқ қилгани ва (эркаклар ўз оиласига) ўз молмулкларидан сарф қилиб туришларидир”.

Демак, эркак киши оилага раҳбар қилинганининг иккита сабаби бор.

Биринчиси, Аллоҳ таоло эркакни аёлдан афзал қилиб яратганидир. Дарҳақиқат, эркак киши жисмонан ҳам, ички ва ташки қиёфаси, иродасининг мустаҳкамлиги, руҳий-нафсоний ва бошқа тарафлардан ҳам оила раҳбари бўлишга мос қилиб яратилган.

Иккинчи сабаб оила қуриш ва бу йўлдаги барча сарф-харажатлар эркак киши зиммасида эканидир. Бундай раҳбарлик улкан масъулиятдир. Ушбу масъулият эркак киши зиммасига оилага, жумладан, аёлга ҳомийлик қилиш, уни боқиш, муҳофаза қилиш вазифаларини юклайди.

Оятнинг мазмуни шуни кўрсатяптики, агар ушбу раҳбарликка эркаклар танланишидаги сабаблар бузилса, раҳбарлик уларнинг қўлидан кетади. Масалан, оила нафақаси эркак зиммасида эди, лекин эркак ҳеч бир сабабсиз уйда ўтириб, ўрнига аёлини ишлашга мажбур қилса, бечора хотин оиласини боқаман деб, бола-чақамни едириб-ичираман, эримга қарайман деб, бозорма-бозор, юртма-юрт сарсон-саргардон кезса, албатта, бундай оиладаги раҳбарлик ўз-ўзидан ўша аёл қўлига ўтган бўлади. Чунки молиявий бошқарув кимнинг қўлида бўлса, ҳал қилувчи қарор эгаси ҳам ўша бўлади. Бу, аввало, эркакни оила раҳбарлигига мос қилиб яратган Аллоҳ таолонинг иродасига қарши чиқиш ўлароқ, жамият низомининг бузилишига ҳам олиб келади. Инсоф билан ўйлаб кўрайлик, бугун тўйгача, тўй ва ундан кейинги кўпгина сарф-харажатлар асосан, қиз томондан қилинмаяптими? Худди мана шу нарса турмушнинг илк кунлариданоқ бу эр тилини қисик қилиб, оиладаги раҳбарлик ва масъулият келин қўлига ўтиб кетишига сабаб бўлмаяптимикиан?!

“**(Аёллар ичида) солиҳалари – бу (Аллоҳга ва эрига) итоатли, ғойибга Аллоҳ сақлаганича ҳимоятли (яъни, эрларининг сирлари, мулклари ва обрўларини сақловчи)лардир**”.

Биз “**итоаткор**” деб таржима қилаётган сўз ояти каримада “**қонитатун**” лафзи ила келган, аслида кундалик араб тили муомаласида итоаткорлик

сўзи бошқа феъллар воситасида ифода қилинади. Бу сўз эса, ўз иродаси, ихтиёри ва муҳаббатига кўра итоат қилиш маъносини англатади. Демак, мўмина, солиҳа аёлларнинг биринчи сифати итоаткорликдир. Бу итоаткорликлари кўрқишдан, мажбурлашдан эмас, балки ўз масъулиятларини тушунганларидан келиб чиққан ихтиёрий муносабатдир.

Мўмина, солиҳа аёлларнинг хислатларидан яна бири шундаки, улар эрлари ёнларида турган пайтлардагина эмас, балки бирор сабаб билан оиладан узоқда бўлган чоғларида ҳам уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва обрў-эътиборларини муҳофаза қиладилар. Бундай муҳофаза уларнинг ўз фикрларига ёхуд эрларининг талабига биноан эмас, Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг амрига кўра бўлади.

Имом ибн Жарир Тобарий ва Ибн Аби Ҳотимлар Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган ҳадисда Набий (алайҳиссалом): «Аёлларнинг яхшиси – назар солсанг, хурсанд қиладигани, амр қилсанг, итоат этадигани ва уйда бўлмасанг, сени ўз нафсида ва молингда муҳофаза қиладиганидир», деганлар.

Лекин ҳамма аёллар ҳам солиҳалик мақомига лойиқ бўла олмайдилар. Баъзилари ўз ҳадларини унутган ҳолда, эрларига қарши бош кўтариб, беодоблик, итоатсизлик кўрсатадилар. Бундай ҳолларда уларга олдин насиҳат қилинади. Бу фойда бериб, муносабатлар изга тушиб кетса, айни муддао. Лекин ҳаракатлар самарасиз бўлса, хотиннинг итоатсизлиги давом этаверса, бошқа чоралар кўрилади. Ҳижрон – тўшакда бирга ётмаслик, гаплашмаслик ана шундай чоралардандир. Албатта, ҳижрон, яъни хонанинг ўзида тўшакни бошқа қилиш ҳассос услуб бўлиб, аёл кишига

ваъз-насихатдан ҳам кучлироқ таъсир қилади. Гаплашмаслик эса уч кундан ортиқ давом этмаслиги керак. Эрларининг эътиборсизлиги, гаплашмай қўйгани ҳали инсофини йўқотиб улгурмаган аёлларни “кўзларини каттароқ очишга” мажбур этади.

“Хотинларнинг итоатсизлигидан қўрқсангиз, аввало уларга насихат қилинг, сўнгра (бу таъсир қилмаса,) уларни ўринларда (алоқасиз) тарк этинг, сўнгра (бу ҳам кор қилмаса) уларни (мажруҳ бўлмагудек даражада) уринг”.

Уриш деганда, албатта, қаттиқ калтаклаш, аъзоларини майиб қилиш ёки бошқа жароҳатлар етказиш тушунилмайди. Уламоларимиз бу ердаги “уриш”ни “мисвок ёки бирон бармоқ ила туртиш”, деб тушунтирганлар.

Муовия ибн Ҳайра Қушайрий (розияллоҳу анху): “Ё Расулуллоҳ, хотинларимизнинг биздаги ҳақлари нима?” деб сўраганида, Набий (алайҳиссалом): “Агар таом есанг, унга ҳам едирасан, кийим кийсанг, унга ҳам кийдирасан, юзига урма, ёмон сўкма, ташқарида ҳижрон қилма”, деганлар.

Кўриниб турибдики, ояти каримадаги “уриш”га берилган изн фақат пўписа учун, ўзини билмаган аёлларга таъсир ўтказиш учундир. Аввало, бу оятдаги “уриш” фарз ҳам эмас, вожиб ҳам, суннат ҳам, мустаҳаб ҳам эмас. Бу “уриш” дўқ-пўписа, норозиликни билдириш, холос. Амалда эса деярли қўлланилмайди. Кўпчилик уламолар: “Берилган ушбу изндан фойдалангандан кўра фойдаланмаган яхшироқ”, деганлар. Бунинг устига, кўплаб ҳадисларда эрларга аёлларни урмаслик таъкид билан тайинланган.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ زَمْعَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: لَا

يَجِدُ أَحَدَكُمْ أَمْرَاتَهُ جَلَدَ الْعَبْدِ ثُمَّ يُجَامِعُهَا فِي آخِرِ الْيَوْمِ.
رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абдуллоҳ ибн Замъадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бирортангиз ўз аёлини қулни калтаклагандек калтакламасин. Кейин, куннинг охирида яқинлик қилгиси келиб қолиши ҳам бор”, дедилар» (Имом Бухорий, Имом Термизий).

Ушбу ҳадиси шариф юқорида ўрганган оятимиздаги “уриш”дан мурод қаттиқ уриш эмаслигига яққол далилдир. Агар оятда қаттиқ уриш қасд қилинганида, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай демаган бўлардилар. Хотин қул эмаски, уни хоҳлаган вақтда калтаклаб, хоҳлаган вақтда яна ишлатаверилса. Ҳатто қулни ҳам калтаклаш яхши эмас. Хотинга қўл кўтаришдан олдин уни қўйнида олиб ётишни ҳам, кўзи-кўзига тушишини ҳам бир ўйлаб қўйиш лозим бўлади. Уламоларимиз “хотинни қаттиқ калтаклаш ҳаромдир”, деган ҳукмни мана шу ҳадисдан олганлар.

Аёл киши табиатан таъсирчан, шошқалоқ ва тез аччиқланувчи бўлади. Сал нарсага эрига нисбатан итоатсизлик қилиб қўйиши мумкин. Аммо кейин ўзига келиб, итоатга қайтса, унга қарши чора кўришга зарурат қолмайди.

“Аммо сизларга итоат қилсалар, уларга қарши (бошқача) йўл ахтарманг”.

Бу оилани мустаҳкамлаш учун зарурдир. Чунки бир-бирига нисбатан кечиримли бўлиш доимо яхшилик келтиради.

Ким бу кўрсатмаларга юрмаса, ўзидан кўрсин. Чунки **“Албатта, Аллоҳ олий ва улуғ зотдир”.**

Баъзида бу чораларни қўллаш ҳам наф бермаслиги мумкин. Агар келишмовчилик ҳам эр, ҳам хотин томонидан юз берса, энди уни оила сири ни ташқарига чиқармасдан ҳал этишнинг иложи қолмаган бўлади. Бундай ҳолатда бошқалар аралашиб бўлса ҳам, оилани сақлаб қолишга уриниб кўриш зарурдир.

“Агар улар (эр-хотин)нинг оралари бузилиб кетишидан кўрқсангиз, эр оиласидан бир ҳакам, хотин оиласидан бир ҳакам юборинг. Агар (эр-хотин) ислоҳни хоҳласалар, Аллоҳ ўрталарини мувофиқлаштиргай”.

Албатта, ҳакам уларнинг ўзларидан, яъни эр-хотин рози бўладиган қариндошлардан ёки бегоналардан тайинланади. «Рози бўладиган» деб шарт қўйилаётгани ҳакамлар чиқарган ҳукм ҳар икки томонга мақбул бўлиши учундир. Шу боис ҳакамлар ақлли, тажрибали, турмушнинг паст-баландидан хабардор, Аллоҳдан кўрқадиган, адолатли ҳукм чиқаришга ҳаракат қиладиган кишилар бўлишлари керак. Уларнинг асосий вазифаси эр-хотин орасини ўнглашдан иборат. Шунинг учун ҳам ояти каримада:

“Агар (эр-хотин) ислоҳни хоҳласалар, Аллоҳ ўрталарини мувофиқлаштиргай”, деб, ҳакамларга яраштирувчилик нисбати берилмоқда.

Баъзи уламолар худди шу тушунчадан келиб чиқиб: «Уларга фақат яраштириш, ислоҳ қилиш ҳуқуқи берилган», дейдилар. Бошқалари эса: “Ҳолатни ўргангач, ислоҳнинг иложи бўлмаса, эр-хотинни ажратиб қўйишга ҳақлари бор, шунингдек, тегишли жазо чораларини, мол-мулкка доир масалаларни ҳам ҳал этишлари мумкин”, дейишади.

Ҳазрат Усмон Зиннурайн (розияллоҳу анҳу) халифалик йилларида худди шу ояти каримага амал

қилиб иш юритгани тафсир китобларида нақл қилинган.

Оила жамиятнинг бўғини ва асосидир

Осуда ва тинч жамиятдагина мустаҳкам оила қурилади. Жамият эса минглаб оилалардан ташкил топади. Илк жамият, илк оила аъзолари Одам (алайҳиссалом) ва Ҳавво онамиз бўлганлар. Яхши, мустаҳкам оилалардан мустаҳкам ва кучли жамият ташкил топади. Шунинг учун динимиз оила тоғувлиги ва салоҳиятига жиддий эътибор қаратган. Юқорида тафсири билан танишаётганингиз, Нисо сурасидаги оятларда Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло солиҳа аёлларни сифатлар экан:

“(Аёллар ичида) **солиҳалари – бу** (Аллоҳга ва эрига) **итоатли, ғойибга Аллоҳ сақлаганича ҳимоятли** (яъни, эрларининг сирлари, мулклари ва обрўларини сақловчи)**ларидир**” деб, эр-хотин ўртасидаги оилавий сирни сақлаш муҳимлигига ишора қилмоқда.

Дарҳақиқат, қиз бола гувоҳлар ҳузурида: “Бағишладим”, деб ёки ишора билан розилигини билдирса, йигит кишининг: “Қабул қилдим”, дейиши билан икковлари ўртасидаги муносабат инсоний алоқалар ичида энг муқаддаси бўлмиш эр-хотин алоқасига айланади.

Жамоатчилик гувоҳлигида ўрнатилган алоқа, албатта, муқаддас бўлади. Ижоб ва қабулдан сўнг эр-хотинга айланганлар ўртасида сақланиши лозим бўлган сир ҳам вужудга келади. Кўп ҳолларда ўртадаги сирнинг ошкор этилиши бу жуфтлик орасига совуқчилик тушишига, эл орасида ушбу оиланинг обрўси кетиши, натижада унинг бузилишига ҳам сабаб бўлади. Ривоятларнинг бирида хотини

билан ноилож ажрашишга мажбур бўлган эридан хотинининг айбини сўрашганида: “Бировнинг айбини сўраб нима қиласизлар? Агар мен у билан қайта ярашиб кетсам, ўз хотинимнинг айбини бировларга очган ҳисобланаман, ярашмасам, бегона бир аёлнинг айбини фош қилган бўламан. У ҳам, бу ҳам одобдан эмас”, деган экан.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

هٰن لِيَاسُ لَكُمْ وَأَنْتُمْ لِيَاسُ لَهُنَّ

“Улар сизлар учун либос, сизлар улар учун либосдирсиз” (Бақара, 187).

Узун оятда келган ушбу қисқагина жумла билан Аллоҳ таоло олам-олам маъноларни баён қилган. Қуръони каримнинг бошқаларни ожиз қолдирувчи ҳақиқий илоҳий Китоб эканига имон келтириш учун ёлғиз шу муборак жумлани тафаккур қилиб кўриш етарлидир.

Одатда либос – кийим бир неча муҳим мақсадлар учун ишлатилади. Агар кийим бўлмаса, ўша мақсадларга эришилмайди ва инсоннинг ҳайвондан фарқи ҳам қолмайди. Келинг, ўша кийимдан кўзланган мақсадлар ва эр-хотин орасидаги муносабатнинг унга ўхшатилиши ҳақида мушоҳада қилиб кўрайлик.

Биринчидан, либос – кийим уни кийган кишининг айбини беркитиб туради. Қуръони карим эр-хотинни бир-бирига “либос” деб таърифлагач, улар ҳам бир-бирларининг айбларини беркитиб туришлари керак. Эр-хотин бир-бирининг айбларини очиши ўзаро муносабатларни бузувчи энг катта омилдир.

Иккинчидан, либос уни кийган шахсни зийнатлаб кўрсатувчидир. Шундай экан, Қуръони карим-

да ўзаро “либос” деб аталган эр-хотин ҳам бир-бирларини зийнатлашга ҳаракат қилишлари керак.

Учинчидан, либос ўз эгасини ёзда иссиқдан, қишда совуқдан сақлайди. Бас, шундай экан, эр-хотин ҳам бир-бирларини ҳаётнинг иссиқ-совуқларидан асрашлари лозим бўлади.

Тўртинчидан, либос уни кийган шахснинг вужудига энг яқин нарсадир. Либос билан уни кийган киши орасида ҳеч нарса бўлмайди. Қуръони карим эр-хотинни бир-бирига “либос” деб билар экан, улар ҳам ўзаро энг яқин шахслар бўлиши ва ораларига ҳеч қандай бегона кирмаслиги керак. Зеро, эр-хотин бир-бирига танмахрамдир.

Бешинчидан, либос уни кийган шахсга турли ноҳуш нарсалар, ҳатто чанг ҳам юқмаслигига хизмат қилади. Бир-бирига либос ҳисобланувчи умр йўлдошлари ҳам бир-бирларига турли ёқимсиз нарсалар, ҳатто гард юқтирмасликка ҳаракат қилишлари лозим. Оилаларимиз тинчлиги ҳақида қайғурар эканмиз, ушбу маъноларни ҳаётга татбиқ қилиш ҳар биримизнинг бурчимиз, ҳатто, энг аввало, бахту саодатимиз эканини ҳам унутмаслигимиз зарур.

Бугун ҳар бир маҳалла идорасида яраштирув ҳайъати тузилган. Минг афсуслар бўлсин, бу ҳайъатларнинг можароли ташвишлари кўпайиб бормоқда. Эр-хотин ёки қайнона-келин ўртасида кўтарилган жанжалнинг дарҳол оиладан ташқарига чиқиши доимо ушбу оиланинг фойдасига эмас, зарарига хизмат қилади. Ва яна афсуслар ила айтамикки, арзимас нарса устида ўзаро тортишувлар оқибатида ҳатто Аллоҳ таолонинг буюк Аршини ҳам ларзага келтирувчи “талоқ” сўзига ёшларимизнинг тиллари осонгина айланиши жа-

мият масъулларини жиддий хавотирга солмоғи керак.

Фараз қилайлик, оилалардан бирида ўзаро келишмовчиликлар содир бўла бошлади. Нима қилиш керак? Ўғлимиз дарров “Талоқ”, деб айтсинми? Йўқ. Қуръони карим ўша оятида **“Хотинларнинг итоатсизлигидан кўрқсангиз, аввало уларга насиҳат қилинг”**, деяпти.

Мана шу ўринда аёллар эътироз билдиришлари мумкин: «Нима учун фақат биз, аёлларга насиҳат қилиниши керак? Ахир, ҳар доим ҳам айб бизда бўлавермайди-ку!» Қуръон эса уларга қуйидагича жавоб беради: “Хулосага шошилманглар, бу ерда, аввало, ваъз-насиҳат зарбаси эркакка етади. Чунки насиҳат қилувчи эркак айтаётганларига ўзи амал қилмаса, унинг гаплари хотинига таъсир этармиди? Масалан, Аллоҳ таолога итоат этмаётган эр хотинидан ўзига нисбатан итоат талаб қилиши кулгили эмасми?!

Бу услуб фойда бермаса, энди навбат талоққами? Йўқ, **“уларни ўринларда (алоқасиз) тарк этинг”** (Нисо, 34).

Бу ҳолда аёлларга қаттиқ таъсир қиладиган ҳасос бир услуб – бирга ётмаслик, гаплашмаслик чораси қўлланилади. Ушбу усулда ҳам тарбияланувчи аёлга қараганда тарбия қилувчи эрдан кўп нарса талаб этилади. Чунки ҳижрон таъсир кўрсатиши учун унинг ўтида аввал ўзи куймоғи керак. Бу усул эрлардан кучли ирода ва сабр-тоқатни талаб қилади.

Юқоридаги кўрсатмаларнинг ҳаммасига амал қилиб кўрилди. Яхши натижа бўлавермагач, энди эрнинг тили “талоқ” сўзи билан намланишига руҳсат бериладими?

Йўқ, **“уларни (мажруҳ бўлмагудек даражада) уринг”**, дейилмоқда.

Бу ўз қадрини билмаган аёлларга таъсир ўтказиш учун қўлланиладиган ўзига хос тарбия усулидир.

Шуни таъкидлаш лозим, яхши мусулмон хотинини асло урмайди. Чунки ҳадиси шарифда: «Сизларнинг энг яхшингиз хотинларингизга яхши муомала қиладиганингиздир», дейилган.

Имом Бухорий ва Имом Муслим Ойша онамиздан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилган ҳадисда эса: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўз хотинларидан ва ходимларидан ҳеч бирини урмаганлар», дейилади.

Ушбу маъноларни ҳар бир мусулмон аёл ва эркак яхши тушуниб олмоғи ҳамда ҳаётга татбиқ қилмоғи керак. Аёллар эрларига итоатсизлик кўрсатиб, уларга қарши бош кўтармасинлар, ҳаддиларидан ошмай, эрларини фавқулодда чора кўришга мажбур қилмасинлар. Эрлар эса хотинларига яхши муомалада бўлсинлар. Мабодо аёллардан баъзи бир хатолар ўтса, сабр қилиб, кечиримли бўлсинлар. Ана ўшанда улар мусулмонларнинг яхшиларидан бўладилар.

Ушбу чораларни қўллаш билан оилавий муаммолар ҳал бўлиб қолса, **“уларга қарши (бошқача) йўл ахтарманг”**.

Яъни кечиримли бўлиб, яна камчиликлар излашга киришманг. Масалан: “Сен ўзинг ярамас хотинсан, лекин болаларинг учун кечирдим”, каби гаплар яхшилик келтирмайди.

Баъзида бу чораларнинг ҳеч бири наф бермаслиги мумкин. Шундай ҳолатда талоқ айтса бўладими ёки маҳаллага чиқиш керакми? Шошманг: **«эр оиласидан бир ҳакам, хотин оиласидан бир ҳакам юборинг»** (*Нисо, 35*).

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бундай ҳолда ҳам эр ўзи рози бўлган қариндошини, хотин ҳам

Ўзи рози бўлган қариндошини ҳакамликка тайин қилади. Ҳакамлар иложи борича қариндошлардан бўлмоғи яхши, лекин иложи бўлмаган тақдирда бегоналар жалб қилиниши ҳам мумкин.

Албатта, ушбу икки ҳакам мусулмон, эркак, одил, мукаллаф, диний аҳкомлардан хабардор, никоҳ, талоқ масалаларини тушунадиган кишилар бўлиши шарт. Уларнинг қариндошлардан бўлиши – эр-хотинни яхши билишлари, улар оиласини сақлаб қолиш борасида бегоналардан кўра кўпроқ қайғуришлари, сир-асрорларини яширишлари юзасидандир. Бу чора ҳам Исломда иложи борича оилани бузмасликка уриниш кучли эканини кўрсатиб турибди.

Азиз китобхон! Қаранг, бизнинг динимизда оилани асраб қолиш, сирларини сақлаб, унинг шаънини ҳимоя қилиш йўлида қанчалар жон куйдирилмоқда. Насиҳат, ҳижрон, уриш каби чоралардан ўтиб, ишга қариндошлардан ҳакамлар аралашувигача етиб келди-ю, лекин на талоққа ва на бирор сирни кўчага олиб чиқишга рухсат бўлмади. Албатта, эр-хотин ўртасидаги муносабат тобора кескинлашиб, ҳакамлар ҳам орани ислоҳ қила олмагач, уларнинг ўзаро ҳаётлари жуда мураккаблашиб кетгач, энди маҳалладаги яраштирув ҳайъати томон йўл очилади.

Ўтмишга қайтиб, тарих саҳифаларини varaқлаш, улардаги ёзувларни ўқиш ва ҳар бир сатри устида тафаккур қилиш ҳамда улар орқали Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хонадонларини зиёрат этишдан олдин оила, жамият ва Ислом динининг уларга бўлган эътибори ҳақида тўхталиб ўтишимиздан мақсад бугунги кунда оилавий масалалар ечимига намуна ўлароқ, Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муҳо-

рак ҳаётларини ўрганишнинг аҳамиятини халқимиз онгига чуқурроқ сингдиришдир. Чунки Аллоҳ таоло барча пайғамбарлар қатори, охирги ва севикли пайғамбари Муҳаммадни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам оддий башардан танлади. Ва Ўз ҳабиби тарбиясини чиройли қилди. Бу ҳақда Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) ўзлари:

أَدَّبَنِي رَبِّي فَأَحْسَنَ تَأْدِيبِي

“Мени Раббим тарбия этди ва тарбиямни гўзал қилди”, деганлар. Дарҳақиқат, Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётларини ўргана эканмиз, Аллоҳ таоло у зотни одам боласи йўлиқиши мумкин бўлган барча мусибатлар ва синовлар ила имтиҳон қилганига гувоҳ бўламиз. Жумладан, у зот туғилмаслариданоқ отадан етим қолдилар, бу, бир тарафдан, ҳали келгуси буюк синовлар, улкан машаққатлар олдида собит туриш учун ҳозирлик бўлса, иккинчи тарафдан, етимларга шараф бериш эди. Кўнгли ўксик етимнинг бошини силар эканмиз, “Ўксинма, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам етим бўлганлар! Агар етимлик ёмонлик бўлганида, Аллоҳ таоло Ўзининг севикли Пайғамбарига буни асло раво кўрмаган бўларди”, деймиз.

Ёки камбағаллик, дард, ёмон қўшни, яқинларидан ажраш, фарзанд мусибати, ўз диёридан чиқарилиш, мусофирлик, ёвга қарши кураш ва ҳоказо синовлар у зотга эргашиши лозим бўлган уммат учун буюк сабоқ эди.

Аллоҳ таоло Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қарата марҳамат қилади:

وَإِنَّكَ لَعَلَىٰ خُلُقٍ عَظِيمٍ ﴿٤﴾

«Албатта, Сиз буюк хулқ узрадирсиз» (Қалам, 4).

Набийнинг (алайҳиссалом) ўзлари ҳам: «Мен яхши хулқларни мукамал қилиш учун юборилганман», деганлар.

Айниқса, у зотнинг оилавий ҳаётлари ҳар қандай жамият ва оила учун кифоя қилувчи буюк ибрат ва намуна мадрасасидир. Ранги сомон бўлган ҳар бир ёлғиз эр ва маъюс бева аёл муаммоси, уларнинг шахсий можаролари эвазига тирик етим бўлган фарзандлар дарди, қайнона-келин орасидаги жанжаллар ва оилада учрайдиган бошқа турли масалаларни чиройли ҳал қилиш учун ҳам Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборақ хонадонлари билан танишувимиз ўта зарурдир.

Келинг, Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хонадонларида меҳмон бўлиб, уйларидаги ҳолатни ибрат назари билан кўздан кечирайлик, ул азиз зот сўзларига қулоқ солиб, дарсу насихатлари билан қалбимизни ёритайлик. Одамлар билими ошиб, кўп нарсаларни ўқиб, китоблар, филмлар ва ҳужжатлар орқали шарқу ғарб зиёратига ружу қўйган айни замонда биз ушбу муборақ хонадонни зиёрат этиб, унинг айрим жиҳатлари хусусида алоҳида тўхталишга ҳаракат қилайлик. Шояд кўрган нарсаларимиздан ибрат олиб, шу билан нафсларимизни тарбияласак.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хонадонлари билан танишиш ул зот ҳаётининг турли саҳифаларини ва аҳли оилалари билан бўладиган муомала санъатини ўрганиш ҳақиқатан ҳам ўта қизиқарли ва фойдаси беқиёс ишдир.


Келинг, азизлар, ўзимизни фақат сабоқ, ибрат олишга чоғлайлик.

Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хонадонлари

Албатта, Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётлари насихат ва ибрat, намуна ва ўрнат олиш, эргашиш учун бой манбадир.

لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لِّمَن كَانَ يَرْجُوا اللَّهَ

وَالْيَوْمَ الْآخِرَ وَذَكَرَ اللَّهَ كَثِيرًا



«(Эй имон келтирганлар), сизлар учун – Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайғамбаридида гўзал намуна бордир» (Аҳзоб, 21).

Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дунё ҳақида: “Менинг дунё билан ишим нима? Менинг дунёдаги мисолим бир дарахт остиди озгина салқинлаб, сўнгра у ерни тарк қилиб, йўлида давом этган отлик кабидир”, деган эдилар» (Имом Термизий).

Фараз қилайлик, Мадина кўчаларидан бирида Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уйлари томон юриб бормоқдамиз. Ул зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уйларига қадам қўйишдан олдин унинг қурилиши ва кўринишига назар ташлаймиз. Албатта, энг аввало, бежиримгина уйга, соддагина ётоқ жойига кўзимиз тушади. Бу сизни сира ажаблантирмасин. Зеро, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) инсонларнинг энг зоҳиди, дунёвий ашёлари кам, фоний дунё зийнатларию бойликларига кўз тикмаган зот эдилар.

Ана, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аёлларининг уйлари кўринмоқда: баъзиларининг атрофи хурмо бутоқлари билан тўсилиб, устидан лойсувоқ қилинган, баъзиларининг девори эса тошдан терилган. Томлари хурмо барглари билан ёпилган.

Хасан (розияллоҳу анҳу) бундай дер эдилар: “Мен Усмоннинг (розияллоҳу анҳу) халифалик даврида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аёлларининг уйларига кирар эдим. Шифтларини (пастлиги сабабли) қўлларим билан ушлардим” (Ибн Саъд. “Ат-Табақотул Кубро”, 1:274).

Албатта, бу уйлар камтарона ва кичик ҳужра-лардан иборат бўлган, бироқ улар имон, итоат, ваҳий ва рисолат билан обод, баракотли эди.

Уй жиҳозлари

Биз Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уйлари ичидамиз. Келинг, унга бир нигоҳ ташлайлик. Саҳобалар бизга бу уйда бўлган кўрпатўшак ва бошқа жиҳозлар ҳақида сўзлаб берсинлар.

Тўғри, шариатимизда ўзгалар хонадони ва ҳовлисига эгасининг изнисиз нигоҳ ташлаш жоиз эмас. Бироқ бу муборак уйнинг баъзи ашёларига намуна ва ўрнак олиш мақсадида ғойибона назар ташлашни жоиз ва ҳатто вожиб деб ўйлаймиз. Зотан, бу муборак уйнинг пойдевори имон, камтарлик, сармоёси эса сабр-қаноатдир.

Умар ибн Хаттобдан ривоят қилинади: «Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига кирдим, ул зот бўйра устида ётибдилар. Олдиларига ўтирдим, Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эғнида фақат изор (белдан паст-

га кийиладиган кийим) бор эди, холос. Ёнбошларига бўйра ботиб кетибди, уйдаги нарсаларга назар ташладим. Уйнинг бир четида уч-тўрт ховуч арпа, акас қўзоғи ва деворда осиглик турган мешни кўриб, кўзимдан ёш қуйилди.

“Эй Умар, нега йиғлаяпсан?” деб сўрадилар.

“Эй Аллоҳнинг Набийи, нега йиғламай, ёнбошингизга бўйра ботиб кетган бўлса, уйингизда нима борлигини кўриб турган бўлсам. Кисро ва Қайсарларни қаранг, ноз-неъматлар, анҳорлар ичида бўлишса-ю, сиз, Аллоҳнинг ҳақ Пайғамбари танлаган ҳол бу бўлса!” дедим.

“Эй Хаттобнинг ўғли, охират бизга ва дунё уларга бўлишига рози эмасмисан?!” дедилар» (*Ибн Можа*).

Собит (раҳимахуллоҳ) дедилар: «Анас ибн Молик (розияллоху анху) бизга белидан темир белбоғ билан боғланган ёғоч идишни кўрсатди ва: “Эй Собит, бу Расулуллоҳнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) косалари”, деди» (*Имом Термизий*).

Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) мана шу косадан сув, ивитилган хурмо шарбати, асал ва сут ичар эдилар.

У зот (соллаллоху алайҳи ва саллам) оилалари ҳузурига қўққисдан бостириб келмас, балки бир оз олдин билдириб, сўнгра кириб келар эдилар. Киришлари билан салом берар эдилар.

Фазола ибн Убайддан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) айтдилар: “Исломига ҳидоятланган, топиши кунлик тирикчилигига етадиган даражада бўлиб, шунга қаноат қилган кишига хушхабарлар бўлсин!»» (*Имом Термизий*).

Абдуллоҳ ибн Миҳсондан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи

ва саллам) дедилар: “Ким жони омонда, жасадида саломатлик, ҳузурида кунлик озуқаси билан тонг оттирган бўлса, гўё унда дунёнинг барчаси жам бўлибди” (Имом Термизий).

Қариндошлар билан алоқалари

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қариндошлик алоқаларига қанчалик эътибор берганларини сифатлашга тил ожизлик қилади. Чунки бу борада у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) башариятнинг энг комили эдилар. Ҳатто пайғамбар бўлишларидан олдин у зотни Қурайш мушриклари ҳам содиқул масдуқ (ростгўй ва омонатдор) деган сифатлар ила мадҳ этишган. Муҳтарама онамиз Хадича (розияллоҳу анҳо) ҳам Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сиз силаи раҳм қиласиз ва доим тўғри сўзлайсиз”, деган эдилар.

Мана, қаранг, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вазифаларнинг энг олийи ва ҳақларнинг энг буюгини адо этмоқдалар: олти ёшларида айрилган оналари қабрини зиёрат қилмоқдалар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: زَارَ النَّبِيُّ ﷺ قَبْرَ أُمِّهِ، فَبَكَى وَأَبَكَى مِنْ حَوْلِهِ، فَقَالَ: اسْتَأْذَنْتُ رَبِّي فِي أَنْ أَسْتَغْفِرَ لَهَا فَلَمْ يُؤْذَنْ لِي، وَاسْتَأْذَنْتَهُ فِي أَنْ أَزُورَ قَبْرَهَا فَأَذِنَ لِي، فَزُورُوا الْقُبُورَ، فَإِنَّهَا تُذَكِّرُ الْمَوْتَ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ.

Абу Хурайрадан (розияллоҳу анху) ривоят қилинади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оналари қабрини зиёрат қилдилар. Ўзлари йиғладилар, атрофларидагиларни ҳам йиғлатдилар. Кейин: “Раббимдан унга (онамга) истиғфор айтишга изн

сўрадим, изн берилмади. Унинг қабрини зиёрат қилишга изн сўрадим. Изн берилди. Бас, қабрларни зиёрат қилинглар. Чунки у охиратни эслатади», дедилар» (*Имом Муслим, Абу Довуд, Насоий*).

Маълумки, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олти ёшларида латийм (онасидан ажраган гўдак) бўлиб қолганлар. Қирқ ёшларида Пайғамбар бўлганлари эътиборга олинса, бу ҳадиси шариф пайғамбарлик эълонидан анча кейин айтилгани аён бўлади. Яъни орадан қирқ йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оналарини эслаб туришлари, ҳақларига истиғфор учун изн сўрашлари, изн бўлмагач, қабрини зиёрат қилишга рухсат сўрашлари, рухсат бўлгач эса, қабрни зиёрат қилиб йиғлашлари ва атрофдагиларни ҳам йиғлатишлари у зотнинг фарзандлик бурчларини нақадар чуқур ҳис қилганларини кўрсатади.

Бу гўзал одоб ота-онаси ҳаётлигида уларни ранжитадиган, вафотларидан кейин руҳларининг ҳурматини жойига қўймайдиган, ҳеч қурса, йилда бир марта қабрларини зиёрат қилмайдиган, ҳатто қабристонда улар қабрини топа олмайдиган, фарзандлик номига номуносиб кимсалар учун жуда катта ибратдир.

Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қариндошларига бўлган меҳрлари, уларни Исломга даъват этиш, тўғри йўлга бошлаш, жаҳаннамдан қутқариш учун қилган ҳаракатлари ва бу йўлда чеккан оғир машаққатлари ҳақида ўйлаб кўришнинг ўзи тенгсиз сабоқдир.

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) дедилар: **«Яқин қариндошларингизни** (Аллоҳ азобидан) **огоҳлантингиз**» ояти (*Шуаро, 214*) нозил бўлганида, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)

Курайш қабиласини чақирдилар. Жамланишгач, уларга қарата умумий ва хусусий хитоблар қилдилар: “Эй Бану Абду Шамс, эй Бану Каъб ибн Луъай, ўзингизни жаҳаннамдан қутқаринглар! Эй Бану Мурра ибн Каъб, ўзингизни жаҳаннамдан қутқаринглар! Эй Бану Абдуманноф, Эй Бану Ҳошим, ўзингизни жаҳаннамдан қутқаринглар! Эй Бану Абдулмуттолиб, ўзингизни жаҳаннамдан қутқаринглар! Эй Фотима, ўзингни жаҳаннамдан қутқар! Мен сизлар учун Аллоҳ ҳузурида бирон нарсага молик эмасман, бироқ ўртамизда қариндошлик бўлиб, у орқали сизлар билан (дунёда) алоқа қиламан, холос» (*Имом Муслим ривояти*).

Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уйларида ўзларини туттишлари

Инсоннинг уйи унинг хулқи, одоб камолоти, чиройи, муомаласи ва ички дунёси қанчалик софлигини намоён қилувчи ҳақиқий макондир. Хоналар ичида, деворлар ортида, ҳеч ким кўрмайдиган жойда ўз хизматкори ёки аёли билан бўлган муомалаларида киши табиатидаги бошқаларга маълум бўлмаган барча хусусиятлар юзага чиқади.

Биз бу умматнинг Пайғамбари, сарвари ва муаллими бўлган Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай бир олий мақом ва даражада эканларига қарамай, ўз уйларида қандай ҳолатларда бўлганлари ҳақидаги сўзларга қулоқ тутайлик.

Ойшадан (розияллоҳу анҳо) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уйда қандай ишлар қилганлари ҳақида сўралганида: «Одамлардан бири эдилар: кийимларини тозалар, эчки соғар ва ўзларига ўзлари хизмат қилар эдилар», деб жавоб берганлар (*Имом Бухорий ривояти*).

Дарҳақиқат, бу камтарлик, кибрга берилмаслик ва бошқаларга «юк» бўлмасликнинг олий намуна-сидир. Ўртоқлик ва ҳамкорликдаги олийжаноб-ликдир. Қаранг, Одам болаларининг энг сараси ҳар қандай уй юмушларини ўзига ор билмаяпти!

Бутун оламга Ислому нурини таратган улуғ зот-нинг муборак хонадони бирор кун қорин тўядиган миқдордаги егуликка эга бўлмаган!

عَنْ النَّعْمَانَ بْنِ بَشِيرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَلَسْتُ فِي طَعَامٍ
وَشَرَابٍ مَا شِئْتُمْ لَقَدْ رَأَيْتُ نَبِيَّكُمْ ﷺ وَمَا يَجِدُ مِنَ الدَّقَلِ مَا
يَمْلَأُ بِهِ بَطْنَهُ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Нўъмон ибн Баширдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Сизлар истаганча таом ва шароб (қўлингизда) бор эмасми? Батаҳқиқ, мен Набийингизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қоринларини тўйдирадиган (миқдорда) паст навли хурмо тополмай юрганларини кўрганман», деди» (Имом Термизий, Имом Муслим).

«Ойша (розияллоҳу анҳо) дедилар: “Биз – Муҳаммаднинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оиласи бир ойлаб қозон осмас эдик. Еб-ичадиган нарсамиз фақат хурмо ва сув эди, холос» (Имом Бухорий ривояти).

Турмушдаги хусусиятлари

Инсоннинг юриш-туриши ақлининг мезони ва қалбининг калитидир. Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошқалардан кўра энг кўп билган, у зотнинг ҳолатларини аъло даражада сифатлаб берган зот – мўминлар онаси Ойшадирлар (розияллоҳу анҳо). Чунки у киши Расулуллоҳга (сол-

лаллоҳу алайҳи ва саллам) ухлаган пайтларию бедорликларида ҳам, бетоблигу саломатликларида ҳам, хурсандчилигу маҳзунликларида ҳам ҳамиша ҳамроҳ эдилар.

«Ойша (розияллоҳу анҳо) айтади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёмон ишларни қилувчи, ҳаёсиз сўзларни сўзловчи, бозорларда шовқин қилувчи эмас эдилар. Ёмонликка ёмонлик қайтармас, балки кенглик қилар ва кечирар эдилар» (Имом Аҳмад ривояти).

Бутун оламга раҳмат қилиб юборилган ул зоти шарифнинг хислатларидан яна баъзиларини бизга сеvimли набиралари Хусайн (розияллоҳу анҳу) сўзлаб берадилар: «Отамдан Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суҳбатдошлари билан бўлган муносабатлари ҳақида сўраганимда, айтдилар: “Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) доимо қувноқ, мулойим ва гўзал ахлоқли зот эдилар.

Ул зот қўпол ва бақироқ, бировларнинг айбларини изловчи эмасдилар. Ёқтирмаган нарсаларига эътиборсиз қарар, умидвор кимсани ноумид қилмас эдилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уч нарсани: риёкорлик, сергаплик ва фойдасиз нарсаларни тарк этган эдилар.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам одамларга самимий муносабатда бўлар эдилар: бирон-бир кимсани айбламасдилар, мазаммат қилмасдилар ёки сирларини билишга интилмадилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) савобидан умид қилган сўзинигина сўзлар, гапирганларида саҳобалар бошларида қуш қўниб тургандек жим ўтиришар, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўзларини тугатганларидан кейингина гапирар эдилар.

Саҳобалар ул зот олдида бир-бирлари билан гап талашмас, бирлари гапирганида, бошқалари то у гапини тугатгунча қулоқ солиб туришарди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) биринчи бўлиб гапира бошлаган саҳоба сўзини тинглар, саҳобалар кулган нарсаларга кулар, ажабланган нарсаларидан ажабланар, бирор нотаниш одамнинг қўпол сўзлари ва ноўрин талабларига сабр қилар, буни кўрган саҳобалар нотаниш одамни чеккага олиб чиқиб кетишини хоҳлаб, қўлларидан ушласалар: “Эҳтиёжини сўраган одамни кўрсангиз, унга кўмакчи бўлинглар!” дер эдилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муносиб одамлардангина мақтов қабул қилар, сўзини тугатмагунча ҳеч кимнинг гапини бўлмас, хаддидан ошсагина, унинг сўзини қайтариқ ёки ўринларидан туриб кетиш билан бўлар эдилар» (*Имом Термизий ривояти*).

Азизлар, ана энди Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юқорида зикр этилган гўзал хулқ-атворлари ҳақида бирма-бир фикр юритиб кўринг-да, ўзингиз учун ибрат, фойда олишга ҳаракат қилинг! Чунки улар яхшиликлар мажмуасидир.

Қизларига муомалалари

Жоҳилият даврида қиз фарзанд туғилиши нафақат унинг ота-онаси, оиласи учун, балки қабиласи учун ҳам бир олам ғам-ташвиш келтирарди. Жамиятдаги бундай ҳолат ор-номусдан қизларни тириклайин кўмиб юбориш даражасига етди. Бу иш ўта қабих шаклда амалга оширилар, бунда на раҳм ва на муҳаббатга ўрин бор эди. Ҳа, қиз бола тупроққа тириклайин кўмиларди!

Жоҳиллар бу жиноятни амалга оширишда “моҳир” бўлиб кетган эдилар. Баъзилар қиз фарзандларини олти ёшга қадар тек қўйиб қўяр, сўнгра аёлига: “Қизингга чиройли кийимларни кийдириб, хушбўйла, мен уни амакилари олдига олиб бораман”, дерди-да, аслида қизчасини аввалдан саҳрода унинг учун олдиндан қазиб қўйилган чуқур ёнига бошлаб борарди. Сўнг: “Қизим, мана бу чуқурга бир қара”, дерди. Қизча энгашиб чуқурга қараётган пайтда уни туртиб юбориб, устига шафқатсизларча тупроқ тортиб, кўмиб ташларди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ана шундай жоҳилий жамият ичидан аёлни она, турмушда ўртоқ, опа-сингил ва амма-хола сифатида муқаррам қилган буюк дин билан майдонга чиқдилар.

Жоҳил араблар ўз қизларини тириклайин кўмиб, мудҳиш жиноятни содир этиб турган бир пайтда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қизлари Фотима билан фахрландилар, уни суйиб, ардоқладилар, чиройли тарбия бериб, вояга етказдилар. Фотима (розияллоҳу анҳо) ҳам Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муҳаббатларига лойиқ, барча муслималарга ўрнак бўладиган даражага эришдилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қизларига ниҳоятда гўзал муомалада бўлар, улар уларига келганида очиқ юз билан кутиб олардилар. Бунга Имом Абу Довуд, Имом Термизий, Имом Муслим ва бошқалар келтирган қуйидаги ривоятлар яққол далил бўлади.

«Ойша онамиз (розияллоҳу анҳо) айтади: «Кўринишда, ҳайбатда, ўзини тутишда, ўтириш ва туришда Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Фотимачалик ўхшаш одамни кўрмадим. Агар

у Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига кирса, у зот ўринларидан туриб, ўпиб кутиб олар ва ўз ўринларига ўтирғизар эдилар. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унинг олди-га кириб қолсалар, туриб, у зотни ўпиб кутиб олар ва ўз ўрнига ўтирғизар эди».

«Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларида аёллари бор эди. Фотима (розияллоҳу анҳо) кириб келди. Унинг юриши Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юришларидан ҳеч фарқ қилмасди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни кўришлари биланок: “Қизим, хуш келдингиз!” деб қарши олдилар, сўнгра ўнг тарафларига ўтқаздилар...»

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қизларига бўлган меҳру муҳаббатлари туфайли уларни тез-тез зиёрат қилар, аҳволларини сўраб турар ва муаммоларини ҳал этиб берар эдилар.

Фотима (розияллоҳу анҳо) бир куни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига тегирмон айлантириш оқибатида қўллари қавариб кетганини шикоят қилиб, хизматкор беришларини сўрамоқчи бўлиб келдилар. Бироқ Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) топмадилар. Шунда шикоятларини Ойшага (розияллоҳу анҳо) айтдилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) келганларида, Ойша (розияллоҳу анҳо) хабарни етказдилар.

«...Али (розияллоҳу анху) дедилар: “Ётмоқчи бўлиб жойимизга кириб турган пайтимизда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) изн сўраб, кириб келдилар. Биз ўрнимиздан турмоқчи бўлган эдик, “Жойингиздан қимирламанг!” дедилар-да, келиб, ўртаимизга ўтирдилар.

Мен кўкрагимда у зот оёқларининг совуғини хис этдим. Сўнгра дедилар: “Мен сизларни сўраган нарсангиздан кўра яхшироқ нарсага йўллаб қўймайинми? Тўшакларингиздан жой олганингизда ёки ўрнингизга ётганингизда, ўттиз тўрт марта такбир – “Аллоҳу акбар”, ўттиз уч марта тасбеҳ – “Субҳаналлоҳ” ва ўттиз уч марта ҳамд – “Алҳамдулиллаҳ” айтингиз! Мана шу сизларга хизматкордан кўра яхшироқдир» (*Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти*).

Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошларига тушган ҳар қандай мушкулоту мусибатларда ўзларини тутишларида, сабру чидамларида биз учун чиройли намуна бор.

У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қизларини ниҳоятда яхши кўрганлари, уларга гўзал муомалада бўлганлари ҳақида юқорида айтиб ўтдик. Аллоҳ таоло «**Абу Лаҳабнинг қўллари қурисин** (ҳалок бўлсин)! **Ҳалок бўлди ҳам**» (*Масад, 1*) оятларини нозил қилганидан сўнг, Умму Кулсум ва Руқайя исмли қизлари Абу Лаҳабнинг икки ўғли – Утба ва Утайбалардан талоқ олдилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сеvimли қизлари ва улар сабабли ўзларининг бошларига тушган бу кўргиликка Аллоҳдан ажр умид қилиб, ортиқ хафа бўлмадилар. Сабр ва матонат билан Исломи динига чақиришда давом этдилар. Бирор дақиқа бўлсин, даъватни тўхтатиш ёки орқага чекиниш таклифига кўнмадилар.

У зот ҳаётлик чоғларида Фотимадан (розияллоҳу анҳо) бошқа барча ўғил-қизлари вафот этдилар. Шундай бўлса-да, ҳеч бири учун мотам тутиб, юзларига урмадилар, кийимларини йиртмадилар, таъзиячилар учун дастурхон тузаб, зиёфатлар уюштирмадилар. Балки охиратда бериладиган са-

воблардан умидвор ҳолда, Аллоҳнинг иродасига сабр қилдилар, рози бўлдилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) маҳзунларнинг ғам-қайғусини кетказувчи ва бошига мусибат тушган одамга тасалли берувчи катта васият ва улуғ ҳадисларни қолдириб кетдилар.

Улардан бири Умму Салама онамиз ривоят қилган ҳадисдир. «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Қай бир мусулмонга бирон мусибат етганда Аллоҳ буюрганидек: “Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожибуун. Аллоҳуммаъжурний фий мусийбати вахлиф лий хойрон минҳа” (Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз. Аллоҳим, бошимга тушган мусибат учун менга ажру савоблар ато эт ва менга бу мусибатим бадалига ундан кўра яхшироқ нарсани бер) деб дуо қилса, Аллоҳ таоло бунинг ўрнига ундан яхшироғини беради».

Аҳли аёлларига муносабатлари

Оила кўрғонида аёл хотиржамлик ва унс – яқинлик аломати ҳисобланади.

Абдуллоҳ ибн Амрдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бутун дунё (инсонга) берилган неъматдир ва дунё матоҳларининг энг яхшиси солиҳа аёлдир”, дея марҳамат қилдилар».

Гўзал ахлоқ ва хушмуомала соҳиби бўлмиш Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) баъзан мўминлар онаси Ойшани (розияллоҳу анҳо) эркалаб, исмларини қисқартириб зикр қилар эдилар. Қуйидаги ҳадиси шарифда: “Эй Оиш”, дея чақириб, у кишига севинчли хабар берганлари ривоят қилинади. Ойша

(розияллоҳу анҳо) дедилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кунларнинг бирида: “Эй Оиш, Жаброил сизга салом айтяпти!” дедилар» (*Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти*).

Ахлоқан энг баркамол ва энг олиймақом зот – Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аёлларининг ҳиссий ва руҳий рағбатларини билиш ҳамда уларга нисбатан чиройли муносабатда бўлишнинг гўзал намунасини кўрсатдилар!

«Ойша (розияллоҳу анҳо) дедилар: “Мен ҳайз кўрган кунларимда (бирон нарсани) ичиб, (косани) Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) узатар эдим. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) лабларимни қўйган жойга лабларини қўйиб ичар эдилар. Суякдаги гўштдан тишлар эдим, кейин Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суякни олардилар ва лабларимни қўйган жойга лабларини қўйиб, ер эдилар» (*Имом Муслим ривояти*).

Аёлларни уйдирмаю ботил даъволар билан айбловчи мунофиқларнинг тамоман акси ўлароқ, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эрнинг хотинга нисбатан энг гўзал ва юксак муносабатини ўзларида намоён этар эдилар.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ قَبَلَ امْرَأَةً مِنْ نِسَائِهِ
ثُمَّ خَرَجَ إِلَى الصَّلَاةِ وَلَمْ يَتَوَضَّأْ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Ойшадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) завжаларидан бирини ўпдилар, сўнгра намозга чиқдилар. Таҳорат қилмадилар» (*Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўп ўринларда ўз хузурларида аёлнинг олий мақоми

ва юксак мартабаси борлигини намойиш этдилар.

Мисол учун, Амр ибн Оснинг (розияллоҳу анҳу) саволига жавоб бериб, ҳар томонлама етук, нияти тўғри эркак учун аёлга бўлган муҳаббат хижолатли нарса эмаслигини билдирдилар!

Унинг «Сиз учун энг севимли одам ким?» деган саволига «Ойша», деб жавоб бердилар.

Ҳаётида оилавий бахт-саодатга эришишни истаган одам Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ойшага (розияллоҳу анҳо) қандай муомалада бўлганлари ривоят қилинган қуйидаги ҳадисни ўқиб, тафаккур қилиб кўрсин ва керакли хулоса чиқарсин!

«Ойша (розияллоҳу анҳо): “Мен ва Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир идишдан ғул қилар ва унга бирин-кетин қўл солар эдик”, дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аёллари қалбига севинч киритиш ва унга бахтиёрликни ҳис эттириш учун ҳар бир мубоҳ фурсатни ғанимат билар эдилар!

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: تَسَابَقْتُ أَنَا وَرَسُولُ اللَّهِ ﷺ فَسَبَقْتُهُ فَلَبِثْنَا حَتَّى إِذَا أَرَهَقَنِي اللَّحْمُ سَابَقَنِي فَسَبَقَنِي، فَقَالَ: هَذِهِ بِتِلْكَ. رَوَاهُ أَحْمَدُ أَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَابْنُ حِبَّانَ.

Ойшадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: «Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан мусобақалашдим. Мен у зотдан ўзиб кетдим. Бир муддатдан сўнг, сал тўлишганимда, яна

мен билан мусобақалашиб, мендан ўзиб кетдилар ва: “Аввалгиси билан биру бир”, дедилар» (Аҳмад, Абу Довуд, Насоий ва Ибн Ҳиббон).

Дарҳақиқат, аёли билан мусобақалашиб ва унинг дилига қувонч улашиб – бу ғоят латиф эркалалаш ва қаттиқ эҳтимомдир. Қаранг, ул зот аввалги сафарги эркалалашга янгилисини ҳам кўшиб: «Буниси аввалгиси билан тенг бўлди», деб қўйдилар.

Бугунги кунда Аллоҳнинг кенг ерида яшаб, чексиз неъматларидан баҳраманд бўлиб, истаган жойини кезиб юрган аслзодаларнинг ҳаётларига назар ташлаган одам Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу каби ишларидан ҳайратга тушади. Ҳолбуки, ул зот Пайғамбар, кўп сонли лашкарни бошқарувчи саркарда, Қурайш ва Бану Ҳошим аслзодаси эдилар. Шунга қарамай, аёллари – мўминларнинг оналарига ниҳоятда меҳрли ва мулойим муомалада бўлардилар.

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Хайбар жангидан қайтар эканлар, Сафийя бинт Ҳужайга уйландилар. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) онамиз Сафийя (розияллоҳу анҳо) минадиган туя атрофини мато айлантириб ўраб, онамизни тўсардилар. Сўнгра бир тиззаларига чўкка тушардилар, Сафийя онамиз ул зотнинг тиззаларига оёқларини қўйиб, туяга минардилар» (Имом Бухорий ривояти).

Бу Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) камтарликларига далолат қиладиган ажойиб бир ҳолатдир. У зот музаффар саркарда ва Пайғамбар бўлганлари ҳолда, ниҳоятда камтарликлари сабабли аёллари учун тиззаларини ерга қўйиб, ёрдам бердилар, унга нисбатан ҳурматларини, муҳаббатларини изҳор қилдилар. Бу билан аҳли аёли учун қилинган яхшилик, ҳурмат, эътибор киши-

нинг обрўсига заррача путур етказмаслигини бутун умматларига намойиш этдилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) умматларига қилган васиятлардан бири куйидаги ҳадиси шарифда зикр этилади. Амр ибн Аҳваздан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Огоҳ бўлинглар, аёлларга доимо яхши муносабат кўрсатинглар!» (Имом Термизий ривояти).

Барча сийрат уламолари “Пайғамбар хонадони” мавзусини ёритар эканлар, асосан Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аёллари, нубувват хонадони хонимлари ва фарзандлари тарихига, тўрттадан ортиқ аёлга уйланишлари ҳалоллигининг ҳикматларини баён қилишга эътибор қаратадилар. Биз ушбу мавзудаги энг муносиб асар бўлмиш Сафийюр-Раҳмон Муборакфурий қаламига мансуб “Ар-Раҳиқ ал-Махтум” номли асардан иқтибос келтиришни лозим топдик.

“Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хонадонлари ҳижратдан олдин Маккада у зотнинг ўзлари ва аёллари Хадича бинт Хувайлиддан ташкил топган эди. Унга 25 ёшларида уйланган бўлиб, ўшанда Хадича 40 ёшда эдилар. У биринчи уйланган аёллари бўлиб, устига уйланмаганлар. Ундан бир неча ўғил-қиз кўрдилар. Ўғилларидан бирортаси ҳам яшаб қолмади. Қизлари – Зайнаб, Руқайя, Умму Кулсум ва Фотима эди. Зайнаб ҳижратдан олдин холаваччаси Абул Ос ибн Рабиъга турмушга чиқди. Руқайяга, унинг вафотидан кейин эса Умму Кулсумга Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу) уйланганлар. Фотимага эса Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳу) Бадр билан Уҳуд жанглари орасида уйландилар ва ундан Ҳасан, Ҳусайн, Зайнаб ва Умму Кулсум исмли фарзандлар дунёга келди.

Маълумки, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир қанча ҳикматлар тақозосига кўра, тўрттадан ортиқ аёлга уйланишлари ҳалоллиги билан умматдан ажралиб турганлар. У зот жами ўн учта аёлни ўз никоҳларига олганлар ва вафот этганларида тўққизта аёллари бор эди. Аёлларидан иккисига қўшилмаганлар. Икки аёл – Хадича онамиз ва Уммул масокин Зайнаб бинт Хузайма у зот ҳаётлик пайтларида вафот этган. Қуйида барчаси ҳақидаги қисқача маълумотларни бериб ўтамыз.

1. Хадича бинт Хувайлид. У киши ҳақида юқорида қисқача тўхталдик.

2. Савда бинт Замъа. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга пайғамбарликнинг 10-йили шаввол ойида, Хадича онамизнинг вафотларидан бир ойча ўтиб уйланганлар. У илгари Сакрон ибн Амр исмли амакиваччаси никоҳида бўлган ва эри вафот этган эди. Ҳижрий 54-йили шаввол ойида Мадинада вафот этган.

3. Ойша бинт Абу Бакр Сиддиқ. Унга пайғамбарликнинг 11-йили шаввол ойида, Савдага уйланганларидан бир йил кейин ва ҳижратдан икки йилу беш ой олдин уйланганлар. Шунда у олти ёшда эди. Унга ҳижратдан етти ой ўтиб, Мадинада қўшилганлар. Ўшанда у тўққиз ёшга кирган эди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ундан бошқа қизга уйланмаганлар. Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) энг суюкли аёли, уммат аёлларининг энг билимдони ва энг олимаси эди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унинг бошқа аёллардан афзаллигини сариднинг (таом тури) бошқа таомлардан афзаллигига ўхшатганлар. Ҳижрий 57 ёки 58-сана, Рамазоннинг 17-куни вафот этган ва Бақий қабристонига қўйилган.

4. Ҳафса бинт Умар ибн Хаттоб. Унинг эри Хунайс ибн Хузофа ас-Саҳмий Бадр ва Уҳуд жанглари оралиғида вафот этган эди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга ҳижрий 3-сананинг шаъбон ойида уйландилар. Ҳижрий 45-йилнинг шаъбон ойида, 60 ёшида Мадинада вафот этган ва Бақиъ қабристонига дафн қилинган.

5. Зайнаб бинт Хузайма. Бану Ҳилол ибн Омир ибн Соъсоъа қабиласидан бўлган ва мискинларга раҳм-шафқати кучлилигидан Уммул масокин – Мискинлар онаси номини олган. У олдин Абдуллоҳ ибн Жаҳш никоҳида эди. Эри Уҳудда шаҳид бўлгач, ҳижрий 4-санада Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга уйландилар. Орадан уч ой ўтиб, шу сананинг рабиул охир ойида вафот этди. Жанозасини Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўқидилар ва Бақиъга дафн этдилар.

6. Умму Салама Ҳинд бинт Аби Умайя. У аввал Абу Саламанинг никоҳида бўлиб, ундан фарзандлари ҳам бор эди. Эри ҳижрий 4-сананинг жумодул охир ойида вафот этганди. Шу йили шаввол ойи охирларида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга уйландилар. Умму Салама энг билимдон ва оқила аёллардан эди. Ҳижрий 59-санада (бошқа бир манбага кўра, ҳижрий 62-санада), 84 ёшида вафот этган ва Бақиъга қўйилган.

7. Бану Асад ибн Хузайма қабиласидан Зайнаб бинт Жаҳш ибн Рабоб. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аммаларининг қизи бўлиб, Набийнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) асраб олган ўғиллари ҳисобланган Зайд ибн Ҳориса никоҳида эди. Зайд талоқ қилиб, иддаси чиққанидан сўнг Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) «**Бас, Зайд ундан** (Зайнабдан) **ҳожатини адо этгач** (уни талоқ қилгач), **Биз сиз-**

ни унга уйлантирдик» (Аҳзоб, 37) оятини нозил қилди. Ушбу оятнинг давомида асранди ўғил ҳукмини баён қилувчи бошқа оятлар ҳам нозил бўлди. Қуйироқда бу масалага алоҳида тўхталамиз. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга ҳижрий 5-санада (ҳижрий 4-санада, дейилган фикрлар ҳам бор), зулқаъда ойида уйландилар. Зайнаб ғоят ибодатли ва садақага қўли очиқ инсонлардан эди. Ҳижрий 20-санада, 53 ёшида – Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўнг у зотнинг аёлларидан биринчи бўлиб вафот этди. Жанозасини Умар ибн Хаттоб ўқиди, Бақиъга дафн қилинди.

8. Жувайрия бинт Ҳорис. Ҳузоъанинг Бану Мустаълиқ қабиласи бошлиғи Ҳориснинг қизи. Бану Мустаълиқнинг асираларидан бўлиб, Собит ибн Қайс ибн Шаммос улушига тушган эди. Собит уни маълум ҳақ эвазига озод қилишга келишгач, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шу ҳақни тўладилар ва ҳижрий 6-сана (5-сана, дейилган маълумотлар ҳам бор), шаъбон ойида унга уйландилар. У ўз қавмининг жуда катта баракотига сабаб бўлди. Чунки мусулмонлар Бану Мустаълиқдан юз хонадон аҳлини Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қудалари деган эътибор билан озод қилиб юбордилар. Ҳижрий 56 ёки 55-сана, рабиул аввал ойида, 65 ёшида вафот этди.

9. Умму Ҳабиба Рамла бинт Абу Суфён. Убайдуллоҳ ибн Жаҳшнинг никоҳида бўлиб, ундан Ҳабиба исмли қизи ҳам бор эди. Эри билан бирга Ҳабашистонга ҳижрат қилди. Убайдуллоҳ ўша ерда динидан қайтиб, насронийликни қабул қилди, кейин вафот этди. Умму Ҳабиба эса Исломда ва ҳижратда собит турди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳижрий 7-сана, муҳаррам ойида

Амр ибн Умайя аз-Зомрий орқали Нажошийга мактуб йўллаганларидан сўнг Нажоший Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) номларидан Умму Ҳабибага совчи бўлиб, уни у зотга олиб берди, ўз ёнидан 400 динор маҳр ҳам бағишлади. Сўнг уни Шураҳбил ибн Ҳасана ҳамроҳлигида Мадинага юборди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Хайбар жангидан қайтганларидан сўнг уни хотин қилдилар. Ҳижрий 42 ёки 44 ёхуд 50-санада вафот этган.

10. Сафийя бинт Ҳуяй ибн Ахтоб. Яҳудларнинг Бану Назир қабиласи бошлиғи Ҳуяй ибн Ахтобнинг қизи бўлиб, Хайбар асиралари орасида эди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Сафийя бинт Ҳуяйни ўзларига танлаб олдилар ва унга Ислумни таклиф этдилар. Ислумни қабул қилгач, озод этдилар ва унга уйландилар. Бу воқеа ҳижрий 7-санада Хайбар фатҳидан сўнг содир бўлди. Хайбардан Мадинага қайтишларида Хайбардан 12 мил узоқликда жойлашган Саддус-сахбоб деган жойда у билан чимилдиққа кирдилар. Сафийя ҳижрий 50-санада (ҳижрий 52 ёки 36-санада дейилган маълумотлар ҳам бор) вафот этди ва Бақиъга дафн этилди.

11. Маймуна бинт Ҳорис. Умму Фазл Лубоба бинт Ҳориснинг синглиси. Унга ҳижрий 7-сананинг зулқаъда ойида, қазо умрасини адо этганларидан кейин уйланганлар ва Маккадан 9 мил узоқликдаги Сариф деган жойда қўшилганлар. Ҳижрий 61-санада (ҳижрий 63 ёки 38-санада деган хабарлар ҳам бор) Сарифда вафот этган ва ўша ерга дафн этилган. Қабрининг аниқ жойи ҳозирча аниқланмаган.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ушбу ўн бир нафар аёлга уйланганлар, улардан икки на-

фари – Хадича ва Уммул масокин Зайнаблар у зот ҳаётлик пайтларида вафот этишган, қолган тўққиз нафари эса у зотдан кейин қолган.

Никоҳларига олгач, қўшилмаган икки нафар аёлнинг бири Бану Килобдан, иккинчиси Киндадан Жуванийя исмли аёл эди. Улар ҳақидаги фикрлар ихтилофли бўлгани учун бу хусусда сўзлашнинг ҳожати бўлмаса керак.

Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) икки нафар жориялари ҳам бор эди. Бири Муқавқис томонидан у зотга ҳадя қилиб юборилган Мория Қибтия бўлиб, ундан Иброҳим исмли ўғиллари туғилган. Иброҳим гўдаклик чоғидаёқ, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳали ҳаётлик пайтларида, ҳижрий 10-сананинг 28 ёки 29 шаввол куни (милодий 632-сана 27 январда) вафот этган.

Иккинчи жориялари назрлик ёки қурайзалик Райҳона бинт Зайд эди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу жорияни Қурайза асиралари ичидан ўзларига танлаб олганлар. Яна бир фикрга кўра, у Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аёлларидан саналади, яъни озод қилиб, унга уйланганлар. Ибн Қайюм биринчи фикрни устунроқ ҳисоблаган.

Абу Убайда яна икки жориялари бўлганини, бири асиралардан Жамила исмли, иккинчиси Зайнаб бинт Жаҳш совға қилган жория эканини айтади.

Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётларига чуқурроқ назар солган одамга маълум бўладики, у зот айни кучга тўлган пайтларида, умрларининг 30 йилдан кўпроғини ёши ўтган аёллар – аввал Хадича, кейин эса Савда билан ўтказганларидан сўнг, ҳаётлари сўнгида бунчалик кўп аёлларга уйланишларига сабаб бирдан нафс-

ларида уйғониб қолган тийиқсиз ва шу қадар кўпсонли аёллар билангина босилиши мумкин бўлган кучли шаҳватни қондириш эмас, балки бундан кўра улуғроқ ва олийроқ мақсадлар бўлган. У зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар бир турмуш қуришлари ортида ўзига хос сабаб ва ҳикматлар мавжуд эди.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Абу Бакр ва Умарнинг (розияллоҳу анҳум) қизлари Ойша ва Ҳафсага уйланиш билан бу икковларига куёв бўлишлари, шунингдек, қизлари Фотимани Али ибн Абу Толибга, бошқа икки қизлари Руқайя ва Умму Кулсумни эса Усмон ибн Аффонга турмушга беришлари Ислому учун ўта оғир вазиятларда фидокорлик намуналарини кўрсатган ва имтиҳондан чиройли ўтган мазкур тўрт улуғ саҳоба билан алоқаларини мустаҳкамлашга уринганликларига далолат қилади.

Араблар қадим-қадимдан қудачиликка эҳтиром назари билан қарашар, қуда-анда тутиниш, улар наздида, турли-туман уруғ ва элатларнинг яқинлашиш рамзи сифатида кўриларди. Қудаларга қарши уруш қилиш ва улар ерига босқинчилик уюштиришни ўзлари учун энг оғир шармандалик ва ор деб санашарди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оналаримиздан бир нечаларига уйланиш билан уларнинг қабилаларида Исломуга бўлган адоватни синдиришни ва нафрат ўтини ўчиришни қасд қилган эдилар. Мисол учун, Умму Салама Бану Махзум қабиласидан бўлиб, Исломинг ўша пайтдаги ашаддий душманлари саналган Абу Жаҳл ва Холид ибн Валид ушбу қабила вакиллари эди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Умму Саламага уйланганларидан сўнг Холиднинг му-

сулмонларга нисбатан Уҳудда намоён бўлган ғазаб ва нафрати бутунлай ўзгарди, ҳатто кўп ўтмай ўзи қизиқиб ва ихтиёрий равишда Исломни қабул қилди. Шунингдек, Абу Суфён ҳам Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унинг қизи Умму Ҳабибага уйланганларидан кейин у зотга қарши уруш қилмади. Бундай ҳолни Бану Мустаълиқ ва Бану Назир қабилалари мисолида ҳам кўриш мумкин. Улар қавми ҳам Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қабиладошлари Жувайрия ва Софийяга уйланганларидан сўнг аввалгидек адоват ва нафрат изҳор қилишдан тўхташди. Жувайрия ўз қавми учун жуда баракотли аёл бўлиб қолди. Юқорида айтилганидек, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга уйланганларидан кейин саҳобалар ушбу қавмдан бўлган юзта хонадон аҳлини Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қудалари деган иззат-икром билан асирликдан озод қилиб юбордилар. Бундай катта муруват қалбларга ўз таъсирини кўрсатмай қолмади, албатта.

Шарҳ: Ушбу тафсилотлардан сўнг жамият ривожидида оиланинг ўрни қанчалик юқори эканига яна бир карра амин бўламиз. Гўзал одоблар устига қурилган оила нафақат халқни тарбия қилди, балки қабилалараро, халқлараро дипломатик алоқаларни гўзал тартибда ўрнатди.

Бу ерда юқорида айтиб ўтилганларнинг ҳаммасидан ҳам кўра каттароқ ва муҳимроқ бир масала ҳам бор эди. Яъни, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одоб-ахлоқ, маданият ва маърифат тушунчаларидан узоқ бўлган қавмларни тарбиялашга ва уларни жамиятни ҳурмат қиладиган зиёли инсонлар қилиб етиштиришга буюрилган эдилар.

Аёлларни Ислом жамияти биносига асос бўлувчи қонун-қоидалар негизида бевосита тарбиялаш осон иш эмасди. Ҳолбуки, уларни ушбу етакчи мезон ва қоидалар асосида тарбиялашга бўлган эҳтиёж эркакларни тарбиялаш эҳтиёжидек муҳим эди. Шундай экан, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мана шу мақсадни амалга ошириш учун кифоя қилгудек ҳар хил ёш ва қобилият эгалари бўлган аёлларни танлаб олишлари ва тарбия қилишлари, уларга шариат аҳкомларини ўргатишлари, шаҳарлигу саҳройи, ёшу қари қиз-жувонларга таълим-тарбия берувчи муаллималар қилиб етиштиришлари зарур эди. Шундан сўнг аёллар ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришга уларнинг ўзлари кифоя қиларди.

Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уй ичидаги ҳолатларини нақл қилиш ва умматга етказиш ишига мўминларнинг оналари – у зотга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жуфти ҳалол бўлган аёллар жуда катта ҳисса қўшдилар. Улар орасида узоқроқ умр кўрганлари, хусусан, Ойша (розияллоҳу анҳо) Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўзлари ва ишларидан жуда кўп нарсаларни ривоят қилганлар.

У зотнинг яна бир никоҳлари асраб олинган фарзандга доир чуқур илдиз отган бир жоҳилий урф-одат – қоидани бузиб ташлаш мақсадида бўлган эди. Жоҳилият даврида араблар орасида асранди ўғил ҳақиқий ўғил билан баб-баравар ҳурмат ва ҳуқуқларга эга бўлар эди. Бу қоида қалбларга шу даражада мустаҳкам ўрнашиб қолган эдики, уни бекор қилиш осон эмасди. Мазкур қоида никоҳ, талоқ, мерос ва бошқа муомалот масалаларида Ислом ўрнатган асос ва мезон-

ларга зид келарди ва у жамиятда кўпгина фахшу бузукликларни келтириб чиқарар эди.

Аллоҳ таоло ушбу қоиданинг парчаланишини Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қўллари билан ва у зотнинг ўз шахсиятларида амалга ошишини ирода қилди. У зотнинг асранди ўғиллари – Зайд ибн Муҳаммад номини олган Зайд ибн Ҳориса никоҳида бўлган аммаларининг қизи Зайнаб ўртасида келишмовчилик юзага келган ва ҳатто Зайд уни талоқ қилиш қасдига тушиб қолган эди. Бу ҳақда у Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) маълум қилганида, уни бу ишдан қайтарган эдилар. Зеро, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юзага келган вазиятдан келиб чиқибми ёки Аллоҳ азза ва жалланинг билдириши биланми, хуллас, агар Зайд уни талоқ қилса, иддаси чиққанидан кейин унга ўзлари уйланишларига тўғри келишини билган эдилар. Бу ҳодиса эса мушриклар Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва мусулмонларга қарши тобора қутуриб ҳужум қилаётган оғир пайтларда юз бераётган эди. У зот агар ушбу никоҳ вужудга келгудек бўлса, мунофиқлар, мушриклар ва яҳудлар қўзғатадиган таънаю маломатлар, иғвою фитналар мулоҳазасини қилаётган, қолаверса, бундай иғволар айрим имони заиф мусулмонларга ҳам таъсир кўрсатишидан хавфсираётган эдилар. Бу уйланиш босқичи шундай оғир ва чигал пайтга тўғри келишини истамаганларидан, Зайд талоқ ҳақида сўз очганида, уни бу ишдан қайтаришга уриндилар.

Бироқ Аллоҳ таоло Ўз Расулининг бундай тарадудланиши ва хавфсирашига рози бўлмади ва у зотни қуйидаги сўзлари билан итоб-маломат қилди:

وَإِذْ تَقُولُ لِلَّذِي أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيْهِ وَأَنْعَمْتَ عَلَيْهِ أَمْسِكْ عَلَيْكَ
زَوْجَكَ وَاتَّقِ اللَّهَ وَتُخْفِي فِي نَفْسِكَ مَا اللَّهُ مُبْدِيهِ وَتَخْشَى
النَّاسَ وَاللَّهُ أَحَقُّ أَنْ تَخْشَاهُ

«Эсланг, Аллоҳ ва Сиз (неъматларни) инъом этган кишига (Зайд ибн Ҳорисага): “Жуфтингни ўзингда сақла (талоқ қилишга шошма)! Аллоҳдан қўрққин!” деб, Аллоҳ ошкор қилувчи бўлган нарсани ичингизда яширган эдинг ва Аллоҳдан қўрқишга ҳақлироқ бўлган ҳолингизда, Сиз одамлардан (таъналаридан) қўрққан эдингиз» (Аҳзоб, 37).

Охир-оқибат Зайд барибир Зайнабни талоқ қилди ва иддаси чиққанидан сўнг, Бану Қурайза қамали давом этаётган кунлари Расулulloҳ (солаллоҳу алайҳи ва саллам) унга уйландилар.

Аллоҳ таоло ушбу никоҳни фарз қилган ва бу бо-рада ихтиёр ва эътирозга ўрин қолдирмаган эди:

فَلَمَّا قَضَى زَيْدٌ مِّنْهَا وَطَرًا زَوَّجْنَاكَهَا لِكَيْ لَا يَكُونَ عَلَى
الْمُؤْمِنِينَ حَرَجٌ فِي أَزْوَاجِ أَدْعِيَائِهِمْ إِذَا قَضَوْا مِنْهُنَّ وَطَرًا
وَكَانَ أَمْرُ اللَّهِ مَفْعُولًا

«Бас, Зайд ундан (Зайнабдан) ҳожатини адо этгач (уни талоқ қилгач), Биз Сизни унга уйлантирдик. Токи мўминларга асранди болалари ўз хотинларидан ҳожатларини адо этишгач (талоқ қилишгач), уларга (уйланишларида) қийинчилик бўлмаслиги учун (шундай қилдик). Аллоҳнинг амри эса бажарилувчидир» (Аҳзоб, 37).

Бу эса асраб олинган ўғил ҳақидаги жоҳилий қоидани амалий равишда парчалаш учун бўл-

ганди. Олдинроқ бу қоида оғзаки равишда бекор қилинган эди:

أَدْعُوهُمْ لِأَبَائِهِمْ هُوَ أَقْسَطُ عِنْدَ اللَّهِ

«Уларни (асранди фарзандларни) ўз оталари (исми) билан чақирингиз. Шу Аллоҳ наздида адолатлироқдир» (Аҳзоб, 5).

مَا كَانَ مُحَمَّدٌ أَبَا أَحَدٍ مِّن رِّجَالِكُمْ وَلَكِن رَّسُولَ اللَّهِ وَخَاتَمَ النَّبِيِّينَ وَكَانَ اللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمًا

«Муҳаммад сизларнинг эркакларингиздан бирортасига ота эмасдир, балки у Аллоҳнинг элчиси ва пайғамбарларнинг муҳридир. Аллоҳ барча нарсани билувчи зотдир» (Аҳзоб, 40).

Шарҳ: Кези келганида, табанний (бола асраб олиш) масаласида ўзимиздаги ҳолатдан келиб чиқувчи баъзи мулоҳазаларимизни билдириб ўтмоқчимиз.

Динимиз таълимотига кўра, бола асраш – бу уни бутунлай ўзиники қилиб олиш дегани эмас. Ҳар бир инсон ўз насабини, яъни отасининг кимлигини (гарчи у оталик қилмаган бўлса ҳам) билиш ҳақиқага эга. Бола асраб олишдаги асосий ғоя уни ҳаётга йўллаб қўйиш эвазига савобидан умид қилишдир. Етим бола асраб олинганида, унинг етимлигини ўзидан ҳам, бошқалардан ҳам яшириш катта хатодир.

Қанчадан-қанча чуқур илдиз отиб кетган урф-одатлар борки, шунчаки оғзаки гап билан уларни йўқотиб ёки ўзгартириб бўлмайди. Бунинг учун даъват қилаётган кишининг ўзи бу ишда амалий равишда бош-қош бўлиши ва ўрнатилган кўрсатиши ло-

зимдир. Худайбия умрасида мусулмонлардан худди шу ҳол содир бўлган эди.

Шундай сулҳ битими тузилганидан сўнг Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) туриб, фидойи саҳобаларга жонлиқларини бўғизлаш ва сочларини олдиришга амр қилганларида, улар итоат қилишга шошилмадилар, ҳеч бири ўрнидан кўзгалмади. Бу ҳолдан Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўнгиллари оғриб, изтиробга тушдилар. Шунда мўминлар онаси Умму Салама у кишига ҳеч кимга бир оғиз ҳам гап айтмасдан, қурбонлиқларини бўғизлашни маслаҳат бердилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) у кишининг айтганларини қилганларидан сўнг ҳамма саҳобалар у зотга эргашишга шошилиб қолдилар ва қурбонлиқларини бўғизлашга ошиқдилар. Мана шу ҳодисада чуқур илдиз отиб кетган одатни йўқотишда оғзаки гап билан амалий равишда қилинган иш ўртасидаги катта фарқ аниқ-равшан кўринади.

Келинг, яна Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан Зайнаб онамизнинг никоҳлари мавзусига қайтайлик. Кутилганидек, мунофиқлар ушбу никоҳ борасида жуда кўп фитна гапларни тарқатишди, ёлғон ва бўҳтондан иборат даъволарни ўртага ташлашди. Бу айрим имони заиф мусулмонларга ҳам таъсирини кўрсатди. Қуйидагилар бунга асосий сабаблар эди: Зайнаб онамиз Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бешинчи турмушлари бўлиб, мусулмонлар тўрттадан ортиқ аёлга уйланишни ҳалол деб билишмасди. Боз устига, Зайдга Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўғиллари сифатида қараларди. Ўз ўғлининг аёлига уйланиш эса, энг ёмон фахш ишлардан саналади.

Аллоҳ таоло Аҳзоб сурасида зикр этилган ҳар икки мавзуну етарли даражада очиқ-равшан баён қилиб берувчи оятларни нозил қилди. Шундан сўнг мусулмонлар асраб олинган ўғил Ислонда ҳақиқий ўғил сифатида эътироф этилмаслигини ва Аллоҳ таоло уйланиш масаласида Ўз Расулига баъзи олий мақсадлар сабабли бошқаларга берилмаган имтиёзларни берганини билиб олдилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мўминларнинг оналари бўлмиш ўз аёллари билан ғоятда гўзал, шарафли ва олижаноб турмуш кечириб ўтдилар. Ўз навбатида, оналаримиз ҳам ул зотнинг бошқалар тоқат қила олмайдиган даражада содда ва ўта фақирона ҳаёт кечиришларига сабр-тоқат билан ёндашиб, шараф, қаноат, тавозе, эрга хизмат ва унинг ҳақини адо этиш борасида юксак мақом соҳибалари бўлдилар.

Анас (розияллоҳу анҳу) айтади:

وَمُسْلِمٍ وَالتِّرْمِذِيِّ: مَا سَبِعَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ مِنْ خَبِزٍ شَعِيرٍ
يَوْمِينَ مُتَتَابِعِينَ حَتَّى قَبِضَ.

Имом Муслим ва Имом Термизий ривоятида: «Расулуллоҳ (алайҳиссалом) вафот этгунларича икки кун кетма-кет арпа нонга тўймадилар», дейилган.

وَعَنْهَا أَنَّهَا قَالَتْ لِعُرْوَةَ: يَا ابْنَ أُخْتِي إِنَّ كُنَّا لَنَنْظُرُ إِلَى الْهَلَالِ
ثَلَاثَةَ أَهْلَةٍ فِي شَهْرَيْنِ وَمَا أُوقِدَتْ فِي آيَاتِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ
نَارٌ فَقُلْتُ مَا كَانَ يُعِيشُكُمْ قَالَتْ الْأَسْوَدَانِ التَّمْرُ وَالْمَلَأُ إِلَّا أَنَّهُ
قَدْ كَانَ لِرَسُولِ اللَّهِ ﷺ جِيرَانٌ مِنَ الْأَنْصَارِ كَانَ لَهُمْ مَنَائِحُ

وَكَانُوا يَمْنَحُونَ مِنْهَا رَسُولَ اللَّهِ ﷺ مِنْ أَبِيائِهِمْ فَيَسْتَقِينَاهُ.
رَوَاهُمَا الشَّيْخَانِ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Ойшадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади:

«У киши Урвага:

– Эй синглимнинг ўғли, биз икки ойда уч марта ҳилолни кўрардик. Аммо Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уйларида олов ёқилмаган бўларди, – дедилар.

– Нима билан яшар эдингиз? – деб сўрадим.

– Икки қора нарса: хурмо ва сув билан. Илло, Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ансорий қўшнилари бор эди. Уларнинг соғиб ичишга бериб турадиган ҳайвонлари бўларди. Ўшандан Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам бериб турардилар. У зот бизга шундан ичираар эдилар, – дедилар» (*Икки шайх ва Термизий ривояти*).

Бу ҳақда ривоят қилинган жуда кўп ҳадисларни келтириш мумкин.

Шарҳ: Қаноат, айниқса, бугун эркакка ҳам, аёлга ҳам зарур бўлиб турибди. Қаноат иллат эмас, фазилатдир! Ўтган мастура момоларимиздан бу борада ажойиб қаноат намуналари бор. Улар эрларини тирикчиликка жўнатар эканлар: “Нима олиб келсангиз ҳам, ҳалолдан олиб келинг, биз очликка чидаймиз, лекин дўзах азобига чидай олмаймиз”, деб тайинлашар экан.

Маънавий камолотлари ва олий ахлоқлари

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тил фасоҳати ва сўз балоғати бобида ҳам бошқалардан яққол ажралиб турардилар, бу борада энг афзал мақом ва энг олий ўринда эдилар. Таъблари етук, тиллари равон, сўзлари таъсирли ва маънолари равшан ҳамда ортиқча такаллуфдан холи эди. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пурмаъно сўзлар ва гўзал ҳикматлар билан хосланган эдилар. Араб лаҳжаларини яхши билар ва ҳар бир қабила аҳлига улар лаҳжасида хитоб қилар, уларнинг тилларида сўзлар эдилар. У зотда бадавийларга хос сўзамоллик ва чиройли гапириш ҳамда шаҳарликларга муносиб аниқ-тиниқ иборалар ёрдамида сермазмун сўзлаш жамланган бўлиб, бу борада, албатта, ваҳий орқали илоҳий мададга ҳам эга эдилар.

У зотни Аллоҳ таолонинг Ўзи ҳалимлик, чидамлилик, ўч олишга қодир бўла туриб, кечириб юбориш, азиятларга сабр қилиш сифатлари билан одоблантирган эди. Ҳар қандай ҳалим одамнинг ҳам гоҳо сабр косаси тўлиб, чидаёлмай кетиш ҳоллари учраб туради. Бироқ Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) озор кучайгани сари у зотнинг сабрлари зиёда бўлиб борди, жоҳиллар жаҳолати кучайгани сари у зотнинг ҳалимликлари ошаверди.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: مَا خَيْرَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ بَيْنَ
أَمْرَيْنِ أَحَدُهُمَا أَيْسَرُ مِنَ الْآخَرِ إِلَّا اخْتَارَ أَيْسَرَهُمَا مَا لَمْ يَكُنْ
إِثْمًا فَإِنْ كَانَ إِثْمًا كَانَ أَبْعَدَ النَّاسِ مِنْهُ وَمَا انْتَقَمَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ

لِنَفْسِهِ إِلَّا أَنْ تُتَّهَكَ حُرْمَةُ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ. رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ.

Ойшадан (розияллоху анҳо) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) икки ишдан бирини ихтиёр қиладиган бўлсалар-у, улардан бири бошқасидан енгилроқ бўлса, агар гуноҳ бўлмаса, албатта, енгилени ихтиёр қилар эдилар. Агар гуноҳ бўлса, ундан энг узоқдаги одам бўлар эдилар. Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) ўзлари учун интиқом олган эмаслар. Илло, Аллоҳ азза ва жалланинг ҳурмати поймол қилинсагина олардилар» (Учовлари ривоят қилганлар).

У зот одамларнинг ғазабдан энг узоқроғи ва розиликка энг шошувчироғи эдилар.

Саховат ва жўмардликда тенгсиз эдилар, неъматларини фақирликдан қўрқмайдиган киши сингари улашардилар.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ أَجْوَدَ النَّاسِ بِالْخَيْرِ، وَكَانَ أَجْوَدَ مَا يَكُونُ فِي رَمَضَانَ حِينَ يَلْقَاهُ جَبْرِيْلُ، وَكَانَ جَبْرِيْلُ عَلَيْهِ السَّلَامُ يَلْقَاهُ كُلَّ لَيْلَةٍ فِي رَمَضَانَ حَتَّى يَنْسَلِخَ، يَعْرِضُ عَلَيْهِ النَّبِيُّ الْقُرْآنَ. وَفِي رِوَايَةٍ: فَيَدَارِسُهُ الْقُرْآنَ فَإِذَا لَقِيَهُ جَبْرِيْلُ عَلَيْهِ السَّلَامُ كَانَ أَجْوَدَ بِالْخَيْرِ مِنَ الرِّيحِ الْمُرْسَلَةِ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

Ибн Аббосдан (розияллоху анҳу) ривоят қилинади: «Набий (соллаллоху алайҳи ва саллам) яхшилик қилишда одамларнинг энг сахийси эдилар. У зотнинг энг сахий пайтлари эса Рамазонда ҳузурларига Жаброил (алайҳиссалом) келганда бўлар эди. Жаброил (алайҳиссалом) Рамазон тамом

бўлгунича ҳар кеча у зотнинг ҳузурларига келар эди. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга Қуръонни арз қилар (ўқиб берар) эдилар».

Бошқа бир ривоятда: «Бас, у билан Қуръонни (бир-бирларига) ўқиб беришар эди. Шунда қачон Жаброил (алайҳиссалом) у зотнинг ҳузурларига келса, эсан шамолдан ҳам сахийроқ бўлиб кетар эдилар», дейилган (*Икки шайх ривоят қилганлар*).

Жобир (розияллоҳу анҳу) айтади: «У зотдан бирон нарса сўралса, ҳеч қачон йўқ, демасдилар».

Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) журъат, шижоат, мардлик каби сифатларда тутган ўринлари ҳам маъруф ва машҳурдир. У зот энг шижоатли кишилардан эдилар. Манаман деган жасур ва шижоатли кишилар ҳам жанг майдони-ни бир неча бор ташлаб қочган оғир лаҳзаларда мардонавор турганлар, олдинга интилиб, ортга чекинмай, саросимага тушмай, душманга қарши жанг қилганлар. Ваҳоланки, ҳимояланиш ёки устунликка эришишни кўзлаб, бир ёки бир неча бор жанг майдонидан чекиниш ҳар қандай жасур қаҳрамондан ҳам содир бўлади.

Али (розияллоҳу анҳу) айтади:

«Жанг қизиби, ҳолатлар танглашган ва даҳшатдан кўзлар қизарган пайтларда биз Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) орқаларига ўтиб, жон сақлар эдик. Бирон одам у кишидан кўра душманга яқинроқ бўлмас эди».

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ أَحْسَنَ النَّاسِ وَكَانَ أَجْوَدَ النَّاسِ وَكَانَ أَشْجَعَ النَّاسِ وَلَقَدْ فَرَعَ أَهْلَ الْمَدِينَةِ ذَاتَ لَيْلَةٍ فَاَنْطَلَقَ نَاسٌ قَبْلَ الصَّوْتِ فَتَلَقَاهُمْ النَّبِيُّ ﷺ

رَاجِعًا وَكَانَ سَبَقَهُمْ إِلَى الصَّوْتِ وَهُوَ عَلَى فَرَسٍ عُرِّي لِأَبِي
طَلْحَةَ فِي عُنُقِهِ السَّيْفُ وَهُوَ يَقُولُ: لَمْ تُرَاعُوا لَمْ تُرَاعُوا. رَوَاهُ
الشَّيْخَانُ.

Анасдан (розияллоҳу анху) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одамларнинг энг гўзали, одамларнинг энг сахийи, одамларнинг энг шижоатлиси эдилар. Бир кеча Мадина аҳли қаттиқ даҳшатга тушди. Одамлар овоз чиққан томон юра бошладилар. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларнинг олдидан чиқдилар. У зот овоз чиққан томонга улардан олдин бориб, ўша томондан қайтиб келаётган эканлар. У зот Абу Талҳанинг эгарсиз отини миниб, бўйниларига қилич осиб олгандилар. У зот: “Қўрқманглар! Қўрқманглар!” дедилар» (Икки шайх ривоят қилганлар).

Шарҳ: Мўмин инсон худбин бўлиши мумкин эмас. Чунки Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) инсонни фақат ўзини ўйлаб, ўзгаларни унутишдан қайтарганлар. У зот шундай деб марҳамат қилганлар: “Мусулмоннинг дарди билан оғриманган мусулмон мусулмон эмас”.

Ривоят қилишларича, Бағдод чорсусига ўт кетди. Дўконидан хавотирланиб, чорсу томон югуриб бораётган Сиррий Сақатий ҳазратларига бир одам йўлиқиб: “Ҳазрат, хавотирланманг, бутун бозор куйиб кул бўлди, лекин сизнинг дўконингиз омон қолди”, деди. Шунда Сиррий Сақатий: “Алҳамдулиллаҳ!” деди. Аммо бир оз ўтиб, хатосини англади ва умрининг охиригача “Астағфируллоҳ”, деб ўтди. У кишининг ўзи: “Ноўрин “Алҳамдулиллаҳ”, деганим учун ўттиз йил истиғфор айтдим”, деган эди. Бу буюк хулқ халқ-

парварлик, инсонгарчилик, бағрикенглик деб аталади.

Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаёлари ҳам жуда кучли бўлиб, бировларга тик боқмас эдилар.

Абу Саид Худрий айтади: «Чимилдиқдаги келинчакдан ҳам ҳаёлироқ эдилар. Бирон нарсани ёқтирмасалар, юзларидан билинарди. Бировнинг юзига тик қараб турмасдилар, кўзларини ерга тикиб турардилар. Ерга боқиб туришлари осмонга қарашларидан кўпроқ бўларди. Назарлари асосан мулоҳазадан иборат бўлар, ҳаёлари кучлилигидан ва олижанобликлари туфайли бировга ёқмайдиган сўз билан мурожаат қилмасдилар, бировдан ўзларига ёқмаган бирон иш содир бўлса, унинг номини атамасдан: “Одамларга нима бўлдики, шундай ишни қилишяпти?!” дердилар».

Фараздақнинг қуйидаги байтлари у зот шаънларига айтилган энг муносиб таърифдир:

يغضي حياء ويغضي من مهايته * * فلا يكلم إلا حين يتسم

*Ерга тикар ҳаёли, маҳобатла кўзини
Табассумла сўзлагай ҳар бир айтган сўзини.*

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одамларнинг энг адолатлиси, энг ифбатлиси, энг ростгўйи, энг омонатлиси эдилар. Буни у зотнинг душманлари ҳам тан олишарди. Пайғамбар бўлишларидан илгарийёқ Амин (Омонатли) деган ном олган эдилар. Ҳали Ислом келмасидан, жоҳилият даврида ҳам одамлар у кишини ўз можароларига ҳакам қилиб, ҳузурларига келишарди.

Имом Термизий Алидан (розиаллоҳу анҳу) келтирган ривоятда Абу Жаҳл Расулуллоҳга (сол-

лаллоҳу алайҳи ва саллам): «Биз сени ёлғончи санамаймиз, лекин сен келтирган нарсани инкор қиламиз», деган эди. Шундан сўнг Аллоҳ таоло **«Улар, аслида, Сизни ёлғончига чиқармаяпти, балки (бу) золимлар Аллоҳнинг оятларини инкор этаётир»** (Анъом, 33) оятини нозил қилди.

Рум подшоҳи Ҳирақл Абу Суфёндан: «Айтмоқчи бўлганини айтишидан олдин уни ёлғончиликда айблар эдингларми?» деб сўраганида, у: «Йўқ», деб жавоб берган.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ғоят тавозели, кибрдан узоқ зот эдилар. Одамларни ўзларининг қаршиларида худди подшоҳлар қаршисида тургандек туришдан қайтарардилар. Мискинлар ҳолидан хабар олар, камбағал-бечоралар билан даврадош бўлар, қулнинг чорловини ҳам қабул қилар, асҳоблари ичида уларнинг бири каби ўтирар эдилар.

Ўта оддий ва камтарин инсон бўлганларига Ойшадан (розияллоҳу анҳо) юқорида ҳам келтирганимиз сўзлар исботдир: «Ўз пойабзалларини ямардилар, кийимларини тикардилар, сизлардан бирингиз ўз уйида нима ишларни қилса, у зот ҳам шуни қилардилар. Оддий инсон эдилар, кийимларини ўзлари тозалар, эчкиларини соғар, ўз юмушларини ўзлари қилар эдилар».

Ул зот аҳдларга энг вафодор, қариндошлар билан алоқани энг ўрнига келтирувчи, одамларга энг шафқатли, энг меҳрибон ва энг раҳмдил, муомала борасида энг одобли, хулқ-атвор жиҳатидан энг оддий, ёмон ахлоқлардан энг узоқ киши эдилар. Ёмон ишларни қилувчи, ҳаёсиз сўзларни сўзловчи, бозорларда шовқин солувчи эмасдилар. Ёмонликка ёмонлик қайтармас, балки афв қилар ва кечирар эдилар. Бирон кишини ўз ортларидан

юришга қўймасдилар. Ейиш-ичишда ҳам, кийим-кечакда ҳам қул-чўриларидан юқори бўлмасдилар. Ўзларига хизмат қилган кишига хизмат қилар, ходимларига ҳеч қачон «Уфф», демасдилар. Бирон ишни қилгани ёки қилмагани учун уларни койиб, урушмас эдилар. Мискинларни яхши кўрар, улар билан суҳбатлашиб ўтирар, жанозаларида иштирок этар ва камбағални камбағаллиги учун камситмас эдилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сафарларидан бирида қўй сўйиб, таом ҳозирлашга буюрдилар. Шунда бир киши: «Мен сўяман», деди. Бирови: «Мен терисини шиламан», деди, яна бирлари: «Мен пишираман», деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Мен ўтин териб келаман», дедилар. Улар: «Сиз қўяверинг, ўзимиз кифоя қиламиз», дейишди. «Кифоя қилишингизни биламан, лекин сизлардан ажралиб туришни истамайман. Зеро, Аллоҳ таоло бандаси шериклари ичида ажралиб, кўзга ташланиб туришини ёқтирмайди», дедилар, сўнг туриб, ўтин териб келдилар.

Ҳинд бинт Абу Ҳоланинг Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таърифлаб, айтган сўзларига қулоқ тутайлик. У жумладан, шундай дейди: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жиддий ва серташвиш, доим фикрга чўмган инсон эдилар, роҳат нималигини билмасдилар, керагидан ортиқча сўзламасдилар, кўп сукут сақлардилар. Гапирганда оғизларини очиб, бошидан охиригача аниқ-тиниқ қилиб гапирардилар, оғизларининг чети билан гапирмасдилар, дона-дона қилиб, ортиқча чўзмай, жуда қисқа ҳам қилмай, сермазмун ва пурмаъно иборалар билан сўзлардилар, беписанд ва таҳқирловчи сўзлардан йироқ эдилар».

Озгина неъматни ҳам кўп санардилар, бирон нарсани камситмас, таомни айбламас ва мақтамас ҳам эдилар. Агар бирон нарса ҳаққа зид келиб қолса, то уни ўз ўрнига келтирмагунларича у зотнинг ғазабларига ҳеч нарса бас келолмасди. Ўз шахсиятлари учун ғазабланмас ва ўз манфаатлари учун бировдан устун келмас эдилар. Ишора қилмоқчи бўлсалар, кафтлари билан тўла ишора қилардилар. Ажаблансалар, кафтларини айлантлар, ғазаблансалар, юз ўтирар ва қўлларини силтаб қўяр эдилар. Хурсанд бўлсалар, кўзларини юмардилар, кулгилари табассумдан иборат бўлиб, тишлари дўл доначалари каби кўринар эди. Кераксиз сўзлардан тилларини тияр эдилар. Асҳобларини яқин олардилар, бир-бирларидан фарқламасдилар. Ҳар бир қавмнинг улуғини ҳурматлар ва уни ўз қавмига бошлиқ қилиб тайинлар эдилар. Одамларга ҳушёр қарардилар, ҳеч бир кишига бирон ёмонлик қилмаган ҳолда, эҳтиёт чорасини кўриб қўярдилар.

Асҳобларини йўқлаб, одамларнинг аҳволи ҳақида сўраб-суриштириб турардилар. Яхшилиқни яхши санар ва унга рағбатлантирар, ёмонликни ёмон санаб, унинг пайини қирқишга ҳаракат қилар эдилар. Ишлари мўътадил, ихтилофдан узоқ бўларди.

Одамларнинг ғафлатга тушишидан ёки малоланиб қолишидан ташвиш қилиб, доим ҳушёр турардилар. Ҳар қандай ҳолат учун тайёргарликлари бор эди. Ҳақдан қосирлик (ожизлик) қилмасдилар, ҳақдан бошқасига ўтиб ҳам кетмасдилар.

У зот атрофида энг яхши одамлар жамланган эди. Наздларида, одамларнинг энг яхшилари – энг холис насиҳат қилувчилари, даражаси энг улуғлари – бировларга ҳамдард ва қўллаб-қувватловчи бўлувчилари эди. Ўтиришлари ҳам, туришлари

ҳам фақат зикр билан бўларди. Ўзлари учун хос жой тайёрлатмас эдилар, мажлисларда тўғри келган жойга ўтирардилар ва одамларни ҳам шунга буюрар эдилар.

Сухбатдошларидан ҳар бирига етарлича аҳамият қаратар, улардан ҳеч бири бошқа бировни у зотга ўзидан кўра яқинроқ санамас эди. Қай бир одам бирон ҳожати юзасидан у зот билан бирга ўтириб ё туриб сўзлашиб қолса, то у одам ўзи кетмагунича, сабр қилиб турардилар. Биров бирор нарса сўраса, унга албатта сўраганини бериб ёки ҳеч бўлмаса ширин сўз билан кўнглини кўтарардилар. Ҳаммага бирдек бағрикенглик билан муомала қилар, одамларга меҳрибон отага айланиб қолган эдилар. У зотнинг наздларида, ҳамма одамлар ҳақ олдида баробар, фақат тақволари билангина бир-бирларидан афзал бўла олардилар.

Мажлислари ҳалимлик, ҳаё, сабр ва омонат мажлиси бўлиб, овозлар кўтарилмас, ҳурматлар камситилмас, бир-бирларига тақво билан меҳр кўрсатишар, каттани ҳурматлаб, кичикка раҳм қилишар, ҳожатмандга кўмак қўлини чўзишар, ғарибнинг кўнглини овлашар эди.

Очиқ чехра, хушфеъл ва хушмуомала эдилар. Қўпол, тошбағир, бақироқ, оғзи шалоқ, таънакор ва маддоҳ эмасдилар. Кўнгиллари истамаган нарсага рағбат билдирмасдилар.

Хорижа ибн Зайд (розияллоҳу анҳу) айтади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) виқор билан ўтирардилар, йиғиштириниб ўтирганларидан бирон аъзолари ортиқча чиқиб турмасди.

Кўп сукут қилардилар, заруратсиз ўринда сўзламасдилар, ноўрин гапирган одамдан юз ўгирардилар. Кулгилари табассум эди, гаплари дона-дона, ортиқча ҳам, кам ҳам бўлмасди.

Асҳоблари ҳам у зот ҳузурларида кулсалар, у зотнинг ҳурматлари учун ва у зотдан ўрнак олиб, фақат табассум қилишарди».

Мана шу улуғ хислатлар у зотни дилларга яқин ва қалбларга суюкли қилди, кўнгиллар талпинадиган йўлбошчига айлантирди, қавмлар орасидаги ўзаро адоватни юмшатиб, одамлар Аллоҳнинг динига тўп-тўп бўлиб киришларига рағбат туғдирди.

Биз санаб ўтган бу хислатлар у зотнинг олий сифатлари ва комил кўринишларидан қисқагина сатрлар, холос. Аслида, улуғ хислатлари ва буюк сифатларининг моҳияти идрок этиб бўлмас даражада олий ва тубига етиб бўлмас даражада чуқурдир. Парвардигорнинг нури билан зиёланиб, камолотнинг энг олий чўққисига эришган ва хулқи Қуръонга айланган, борлиқдаги энг буюк бу инсоннинг моҳиятини ким ҳам тўла ёритиб бера оларди?!

Эр-хотинлик ҳуқуқлари

Дарҳақиқат, динимиз таълимотига кўра, оила қуришнинг бош мақсадларидан бири Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ахлоқлари ила хулқланиш, зийнатланишдир. Чунки Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оила қурганлар ва оилавий муомалаларни гўзал қилганлар. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аҳли оилаларига муносабатларидан мисоллар келтириш ва у зотдан ибрат олишга чақириш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги пайтда фарзандини уйлантирмоқчи бўлган кишидан “Тўйга тайёرمىсиз?” деб сўралса, “Тайёрман, тўй кунини белгиладим, тўйхонани гаплашиб кўйдим, ошпазнинг зўрини, гуручнинг сарасини

танладим, санъаткорларнинг машхурини таклиф қилиб қўйдим”, деган жавобларни беради. Аслида, бу тайёргарликлар ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш эмас, балки тўйнинг эълони ва ота-онанинг орзу-ҳавасидир. Бу нарсалар келин-куёвга бахт бера олмайди. Фарзандни оилавий ҳаётга тайёрлаш деганда, унга никоҳдан кейинги ҳуқуқларини, бурч ва вазифаларини ўргатиб қўйиш тушунилади.

Камина ходимингиз ҳам имом-хатиблик вазифасида фаолият юритганим учун, кези келганда, эр-хотинлик ҳуқуқларидан бири ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلَا يُؤْذِي جَارَهُ وَاسْتَوْصَا بِالنِّسَاءِ خَيْرًا فَإِنَّهُنَّ خُلِقْنَ مِنْ ضِلَعٍ وَإِنَّ أَعْوَجَ شَيْءٍ فِي الضِّلَعِ أَعْلَاهُ فَإِنْ ذَهَبَتْ تَقِيمُهُ كَسَرَتْهُ وَإِنْ تَرَكَتَهُ لَمْ يَزَلْ أَعْوَجَ فَاسْتَوْصُوا بِالنِّسَاءِ خَيْرًا. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالتِّرْمِذِيُّ وَفِي رِوَايَةٍ: إِنَّ الْمَرْأَةَ خُلِقَتْ مِنْ ضِلَعٍ لَنْ تَسْتَقِيمَ لَكَ عَلَى طَرِيقَةٍ فَإِنْ اسْتَمْتَعْتَ بِهَا اسْتَمْتَعْتَ بِهَا وَبِهَا عَوْجٌ وَإِنْ ذَهَبَتْ تَقِيمُهَا كَسَرْتَهَا وَكَسَرُهَا طَلَاقُهَا.

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу)ривоят қилинади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, қўшнисига озор бермасин ва аёлларга доимо яхшилик қилсин! Чунки улар қовурғадан яратилгандирлар. Албатта, қовурғанинг энг эгри жойи юқори қисмидир. Агар уни тўғрилайман, деб уринсанг, синдирасан. Агар уни тек қўйсанг, эгрилиги бўйича қолур. Бас, аёлларга доимо ях-

шилиқ қилинг!” дедилар» (*Икки шайх ва Имом Термизий*).

Бошқа бир ривоятда: «Албатта, аёл киши қовурғадан яратилгандир. У сен учун бир йўлда мустақим турмас. Агар сен ундан эгрилигича ҳузурлансанг, ҳузурланиб қолдинг. Агар уни тўғрилайман, десанг, синдирасан. Унинг синиши таълоғидир», дейилган.

Бу ҳадиси шарифга юзаки маъно бериб, аёллардаги камчиликларни тузатиб бўлмас экан, деган нотўғри хулоса чиқаришга шошилмаслик керак. Аслида, бу аёлларнинг эрларидаги ҳақларидан бири зикр қилинган ҳадиси шарифлардандир. Яъни, эр ўз хотинидан содир бўладиган баъзи нуқсонлар учун сабр этиши, зулм қилмаслиги, тўғриланишини кутиши керак. Бу эса аёлнинг эридаги ҳақидир.

Беайб ёлғиз Парвардигорнинг Ўзи. Аёл киши эрига хотин, фарзандларига она бўлиши ва бу вазифаларга оид масъулиятларни адо этиши керак. Бунинг учун эса аёл киши тез ва таъсирли меҳр кўрсатиш қобилиятига эга бўлиши зарур, бунинг акси ўлароқ, унда тез аччиқланиш ва оғир нарсани кўтара олмаслик сифати ҳам юзага чиқиб туради. Албатта, аёл кишининг бир ўзи юзлаб эркакларга оғирлик қиладиган, ўз жинсигагина хос бўлган ҳомиладорлик даври, туғруқ пайтидаги, эмизиш муддатидаги машаққатларни кўтара олади. Лекин шу даражада сабр-бардошли аёл киши ўз зотига хос бўлмаган салгина қийинчиликни, кўпол муомалани, бир оғиз қаттиқ сўзни кўтара олмаслиги мумкин. Эр эса ушбу ҳолатларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, хотинига яхши муомалада бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ушбу ҳадисда: “Аёлларга доимо яхшилиқ қилинг”, демоқдалар.

Чунки аёл кишининг асл яратилиши шуни тақозо қилади. Бу маъно ҳадиси шарифда “Чунки улар қовурғадан яратилгандирлар. Албатта, қовурғанинг энг эгри жойи юқори қисмидир”, деган сўзлар билан ифодаланмоқда.

Аллоҳ таоло Одам Атони тупроқдан яратиб, унга жон киритганидан сўнг у кишининг қовурғасидан Момо Ҳаввони яратган. Қовурға ўзи эгри нарса, унинг ҳам энг эгри жойи юқори қисмидир. Шунинг учун ҳам аёл кишининг хаёлига тез-тез турли ўзига хос фикрлар келиб, ундан ҳар хил амаллар содир бўлиб туриши мумкин. Бу кутилмаган нарса эмас. Шунинг учун ҳам эрга аёлдан содир бўлган ҳар бир ҳаракатни тафтиш қилиб, унинг бошқача бўлишига уриниш маслаҳат берилмайди. Балки аёллик табиатига хос ҳолатларни ўзича қолдириб, сабр қилиш афзал саналади. Шундай қилинганда, оилада уруш-жанжаллар озайиб, унинг бузилиш хавфи йўқолади. Бу маъно ҳадисда “Агар уни тўғрилайман, деб уринсанг, синдирасан”, деган жумла орқали ифодаланмоқда. Демак, аёл кишида содир бўлган ҳар бир эгриликни тўғрилашга уриниш яхши натижа беравермайди. Баъзида бундай ҳаракатлар оиланинг бузилишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам иккинчи бир ривоятда: “Унинг синиши талоғидир”, дейилмоқда.

Аммо аёл кишидан содир бўлганда эрнинг сабр қилиши талаб этиладиган камчиликлар ахлоқодоб ва шахсий муомалалардаги нуқсонлар доирасида бўлмасдан, шариат чегарасидан чиқишгача бориб етса, сабр қилиш эмас, тузатиш зарур бўлади. Демак, камчилик содир этганида, эридан дарҳол зарба олмаслик аёл кишининг ҳақи ҳисобланар экан, бундай ҳолатда эрнинг вазифаси сабр қилиб, хотинига яхши муомалада бўлишдир.

Аҳли аёлига хизмат ва нафақа қилиш

Аҳли аёл, бола-чақага қилинаётган сарф-харажат ҳам садақа сифатида савобга сабаб бўлади. Бу тарафини эсидан чиқариб қўйган баъзи одамлар орасида садақа ҳақидаги бошқа гапларни эшитиб олиб, бола-чақаси ризқидан қисган ҳолда, дабдабали садақалар қилишда кимўзарга ўйнаш урфга айланиб бормоқда. Бу каби ишлар чин кўнгилдан бўлиши ҳам мумкин. Лекин кўпроқ риё ва сумъага (одамлар кўрсин ва гапирсин, деб) қизиқиш, яъни “Фалончи зўр тўй берди, маросимни қойиллатиб ўтказди”, деган гаплар учун уриниш бор. Эркак киши, аввало, ўз оила аъзоларини таъминлаш орқали ажру савобга эришади. Фарзандларини, аҳли аёлини таъминлаш вожиб, қолганлари эса нафл-дир.

عَنْ عَامِرِ بْنِ سَعْدٍ عَنْ أَبِيهِ أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ قَالَ لَهُ إِنَّكَ مَهْمَا أَنْفَقْتَ عَلَىٰ أَهْلِكَ مِنْ نَفَقَةٍ فَإِنَّكَ تُؤَجَّرُ فِيهَا حَتَّىٰ اللَّقْمَةَ تَرْفَعُهَا إِلَىٰ فِي امْرَأَتِكَ. رواه أحمد.

Омир ибн Саъддан, у отасидан ривоят қилади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Албатта, сен аҳлингга ҳар қандай нафақа қилсанг, унга ажр оласан. Ҳаттоки, аёлингнинг оғзига тутган луқмага ҳам» (Имом Аҳмад).

Аҳли аёлини боқиш, уларнинг нафақасини адо қилиш, яъни, болалари, қарамоғидагиларни едириб-ичириб, кийинтириб, турар жой билан таъминлаш учун ҳаракат қилган киши бу ишларни Аллоҳ таолонинг амри, шариатнинг ҳукми деб қилса, улуғ ва улкан ажрларга сазовор бўлади.

عَنْ الشَّعْبِيِّ قَالَ: مِنَ النِّفْقَةِ الَّتِي تَضَاعَفُ سَبْعَ مِائَةِ ضِعْفٍ
نِفْقَةُ الرَّجُلِ عَلَيَّ نَفْسِهِ وَ أَهْلَ بَيْتِهِ

Шаъбийдан ривоят қилинади: “Кишининг ўз аҳли аёлига ва ўзига қилган нафақаси етти юз мартадан ҳам кўпайтириб бериладиган нафақадандир”.

Демак, ким ҳалоллик-поклик билан, шариатда кўрсатилган мўътадил тарзда, бу шариат ҳукми, деган эътиқод билан ўзига, аҳлига мол-мулк сарфласа, бу амалнинг савоби етти юз марта кўпайтириб берилар экан. Аслида ҳам ўзи, бола-чақаси учун нафақа қилиш вожиб, бошқаларга нафақа қилиш эса суннат, мустаҳаб амал ҳисобланади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Саъд ибн Абу Ваққосга (розияллоҳу анҳу): “Молингдан садақа қилсанг ҳам, садақа. Аҳли аёлингга нафақа қилсанг ҳам, садақа. Хотининг таомингдан еса ҳам, садақа. Аҳли аёлингни мол билан қолдириб кетишинг уларнинг бошқалардан тиланиб юришидан кўра яхшидир”, деганлар.

Ҳа, берувчи қўл сўровчи қўлдан доимо устун бўлиб келган. Айни дамда Рамазондаги умра зиёратида бўлган бир воқеа ёдимга тушди. Такси кира қилиб, Ҳарами шариф томон шошилиб кетаётган эдик. Йўллар жуда тирбанд, автомашиналар ўта секин ҳаракатланар, вақт эса ифторликка тобора яқинлашиб борарди. Шерикларимиз билан безовта бўла бошладик, чунки ифторлик учун ёнимизда ҳеч вақо йўқ, Ҳарамгача масофа узоқ, биз ўтирган такси жойидан жилай демайди. Шом намозига азон янграгач, қуруқ оғиз билан ифторлик қиларканмиз-да, деб турсак, автомашина салонига кичкина, нозик, қоп-қора бир қўлча кирди. Олти-

етти ёшлар чамасидаги бу ҳабаш боланинг қўлида беш-олти дона хурмо бор эди. Биз жуда таъсирланиб кетдик, чунки бизлар уч киши эканимиз ҳолда, қўлларимиз олувчи қўл бўлиб чўзилди. Бола жуда ёшлигига қарамасдан, унинг қўллари, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мақтаганларидек, берувчи қўл бўлди.

عَنْ وَهَبِ بْنِ جَابِرٍ قَالَ: أَتَيْتُ رَجُلًا إِلَى عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ، فَقَالَ: إِنِّي أُرِيدُ أَنْ أَقِيمَ هَذَا الشَّهْرَ هَاهُنَا عِنْدَ بَيْتِ الْمُقَدَّسِ. قَالَ: أَتَرَكْتَ لِأَهْلِكَ مَا يَقْوَتُهُمْ؟ قَالَ: لَا. قَالَ: فَارْجِعْ إِلَيْهِمْ فَدَعْ لَهُمْ مَا يَقْوَتُهُمْ فَإِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: كَفَى بِالرَّجُلِ إِثْمًا أَنْ يَضِيعَ مِنْ يَقْوَتِ

Ваҳб ибн Жобирдан ривоят қилинади: «Бир киши Абдуллоҳ ибн Амрибн Оснинг хузурига келиб: “Мен ушбу ойда Байтул Мақдисда турмоқчиман”, деди. “Аҳлингга егулик қолдирдингми?” деб сўради. “Йўқ”, деди у одам. “Ундай бўлса, уларга қайт ва егулик қолдир. Мен Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Кишининг қарамоғидагиларни зое қилиши гуноҳкорликка етарли”, деганларини эшитганман”, деб айтди».

Демак, қарамоғидаги одамларни оч, юпун, муҳтож ҳолда, турар жойсиз, таълим-тарбиясиз қолдириш, уларнинг нафақасини бермаслик жуда катта гуноҳ экан. Бу ҳадисда зикри келган одам “Ўйнаб келмоқчиман” ёки “Дам олгани кетяпман”, демаяпти, балки, “Байтул Мақдисда ибодат қиламан”, демоқда. Демак, Байтул Мақдисда эътикоф ўтириб, нафл ибодат қилганидан кўра боласи-

ни боққани маъқулроқдир. Чунки аҳли аёлининг нафақаси вожиб. Мана шу ҳақиқатни асло унутмайлик.

Ака-укалик ҳақлари

Ака-ука деганда биз умумий мусулмончиликдаги ака-укаликни, қариндош ва туғишган ака-укаликни тушунамиз. Қўйида биринчи ва иккинчи қисм ака-укалик ҳақларида келган оят ва ҳадисларни тушуниб олсак, учинчиси – туғишган ака-укалик ҳақларини англашимиз осон бўлади.

إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ فَأَصْلِحُوا بَيْنَ أَخَوِيكُمْ وَاتَّقُوا اللَّهَ
لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ



“Албатта, мўминлар динда биродардирлар. Бас, сизлар икки биродарингиз ўртасини тузатиб қўйинг ва Аллоҳдан қўрқинг, шояд раҳм қилинсангиз” (*Хужурот, 10*).

Ояти каримада “биродар” деб таржима қилинган сўз араб тилида бирликда “ахун” калимаси билан ифодаланиб, икки хил маънода ишлатилади:

Биринчиси – ака ёки ука, яъни туғишган биродар маъносида.

Иккинчиси – дўст, оғайни, яъни тутинган биродар маъносида.

Аммо худди шу сўзнинг ўзи кўплик сийғасида, мазмунига қараб, икки хил шаклда келади:

Биринчиси “ихватун” бўлиб, “туғишган биродарлар” деган маънони англатади.

Иккинчиси “ихвонун” бўлиб, “дўстлашган биродарлар” маъносини билдиради.

Қуръони каримнинг мўъжизалигини қарангки, мўминларнинг биродарлиги ҳақида сўз кетганда,

туғишган биродарлар маъносидаги «ихватун» сўзи ишлатилиб, бу билан мўминлар худди туғишган ака-укалардек эканлиги таъкидланган.

وَأَتِ ذَا الْقُرْبَىٰ حَقَّهُ وَالْمِسْكِينَ وَابْنَ السَّبِيلِ
وَلَا بُدْرَ بُدْرًا

«Қариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эҳсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг!» (Исро, 26).

Имкони кенг, ўзига тўқ кишида ночор, ёрдамга муҳтож қариндошларнинг ҳақи бор. Бу ҳақ уларга Аллоҳ таоло тамонидан берилган. Бой-бадавлат киши ўз қариндошларига ёрдам берганида миннат ёки фазлни кўрсатиш учун эмас, балки Аллоҳ таолонинг амрини адо этиш, Парвардигор белгилаган ҳақни бериш борасида иш қилган бўлади. Шунингдек, ночор қариндош ўзининг бой-бадавлат қариндошидан бирор нарса олганда, унинг олдида хору зор бўлиб эмас, Аллоҳ таоло унга белгилаган ҳақни олаётганини тушуниб, ўзини эркин тутиб олади.

Қариндошларга боғланиш, уларга раҳм-шафқат кўрсатиш, яхшилик қилиш, муҳтожларга ёрдам бериш каби қариндош-уруғчилик вазифаларини адо этиш динимизда вожиб нарса бўлиб, “силаи раҳм” деб аталади.

“Сила” сўзи “боғлаш”, “улаш” маъноларини, “раҳм” сўзи эса “бачадон” деган маънони англатади. “Силаи раҳм” бирикмаси эса “бачадондошлик алоқасини боғлаш” деган маънони билдиради. Бу алоқани узиш ҳаромдир.

عن الزهري قال: قال رسول الله ﷺ العم والد إذا لم يكن
دونه أب والخالة والدة إذا لم تكن دونها أم.

Зухрийдан ривоят қилинади: «Бизга Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Отаси йўқнинг отаси амакисидир. Онаси йўқнинг онаси холасидир”, деганлари етиб келди» (*Хусайн Марвазий*).

عَنْ جُبَيْرِ بْنِ مُطْعِمٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: لَا
يَدْخُلُ الْجَنَّةَ قَاطِعٌ رَحِمٍ.

Жубайр ибн Мутъимдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Қариндошлик алоқасини узувчи жаннатга кирмайди», дедилар» (*Имом Бухорий*).

Даъвоси жаннат бўлган, лекин арзимас сабаблар ёки бир қарич ерни деб аразлашиб, йиллар давомида гаплашмай юрган ака-ука, опа-сингиллар, қариндош-уруғлар ушбу ҳадисни ўқиб, эшитганларидан сўнг кўзларини каттароқ очсинлар. Талашиб-тортишаётган нарсалари ўзи аслида тортишишга арзийдими? Баъзида ака-укалар қўшни бўлиб қолганларида зиммаларида ҳам мусулмончилик, ҳам қўшничилик, ҳам туғишганлик ҳақлари бўла туриб, арзимас бир нарса учун қирпичоқ бўлаётганларига нима дейсиз? Шунинг учунми, сўнгги пайтларда олди-сотди хужжатларини расмийлаштирадиган идоралар деворига ёзиб қўйилган қуйидаги ёзувларга кўзимиз тушмоқда:

“Икки қўшни талашди: «Бир қарич ер меники», деб,

Ер эса кулди: «Иккаланг ҳам меники», деб”.

وَقِيلَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ مَنْ أَبْرُّ؟ قَالَ: أُمَّكَ وَأَبَاكَ وَأُخْتَكَ
وَأَخَاكَ وَمَوْلَاكَ الَّذِي يَلِي، ذَاكَ حَقٌّ وَاجِبٌ وَرَحِمٌ
مَوْصُولَةٌ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

«Ё Расулуллох, кимга яхшилик қилай?» дейилди. «Онангга, отангга, опа-синглингга, ака-уқангга. Сўнгра уларга яқин бўлган яқинингга. Бу вожиб ҳақдир ва силаи раҳмдир», дедилар» (Абу Довуд ривояти).

Қариндошлик алоқасини жойига қўйган банда дунёю охират саодатига мушарраф бўлади. Аксинча, қариндошлик алоқаларида нуқсонга йўл қўйган одам дунёю охират бахтсизлигига йўлиқади.

Катта аканинг ўрни

عَنْ سَعْدِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ:
حَقُّ كَبِيرِ الْإِخْوَةِ عَلَى صَغِيرِهِمْ حَقُّ الْوَالِدِ عَلَى وَلَدِهِ.

Саид ибн Амр ибн Осдан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расулуллох (соллаллоху алайхи ва саллам): “Ака-уқалардан каттасининг кичигидаги ҳақи отанинг боласидаги ҳақичадир”, дедилар».

Мана шу ҳадиси шариф мазмунидан келиб чиқиб, оилада ота вафот этиб кетса, катта ўғил бошлиқ бўлиб қолади. Бошқа фарзандлар – уқалари, сингиллари ва ҳоказо туғишганлар отага қандай итоат қилинса, катта акага ҳам шундай итоат қилишлари керак.

Отанинг боладаги ва боланинг отадаги ҳақи барчамизга маълум. Ана шу ҳақлар ака-уқалар ўр-

тасида ҳам юради. Бинобарин, отага оқ бўлишдан сақлангандек, укалар, сингиллар катта аканинг ҳам дилига озор етказишдан эҳтиёт бўлишлари, иззат-хурматини ўрнига қўйишлари лозимдир. Албатта, мерос масаласига шариат белгилаб қўйган чегарада амал қилинади.

Катта аканинг ота ўрнида бўлиши масъулият маъносида, бу яккаҳоқимлик дегани эмас ва мерос фақат уники бўлишини англамайди. Ёки бизда урф бўлган, ҳамма нарса кенжа ўғилга қолади, деган гап ҳам шариат чегарасидан ташқаридадир. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

اتقوا الله واعدوا في اولادكم.

“Аллоҳга тақво қилинглр ва фарзандларингиз орасида адолатли бўлинглр”, деганлар.

Ушбу ҳадисга биноан, муслмон инсон молиявий масалаларда ҳам ўз фарзандларининг барчасини баробар кўриши керак. Агар тенг имкониятли фарзандларнинг бирига мол бериб, бошқасига бермаса ёки бирига оз, иккинчисига кўп берса, адолатсизлик бўлади. Болалари орасида ҳиқду ҳасад, фитна кучаяди. Шаръий сабаб бўлган тақдирдагина ота-она ўз болаларидан бирига кўпроқ, бошқасига озроқ мол бериши мумкин. Мисол учун, бири бемор, иккинчиси соғлом, бири камбағал, иккинчиси бой, бирининг болалари кўп, иккинчисиники оз...

Муслмонларда бу ҳадиси шарифга яхши амал қилиб келинган. Оилаларда отадан кейин катта ака бошлиқ бўлиб қолган. Укалари уни ота ўрнида ҳурматлаганлар ва унга итоатда бўлганлар.

Хулоса

Мавзуни баён қилар экан, ҳар бир ёзувчи унинг хулосасини жарангдор, таъсирчан, бир вақтнинг ўзида қисқа иборалар ила хотималашга ҳаракат қилади. Камина ходимингиз ҳам Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хонадонларини бугунги оилаларимизга намуна қилиб кўрсатиш ниятида битилган ушбу иш хулосасида энг жарангдор, энг таъсирчан ва қисқа иборали каломдан, калом бўлганда ҳам, энг буюк калом – Қуръони каримдан бир ояти каримани тафсири билан эътиборингизга ҳавола қилишга қарор қилди. Уни ўқиб-уқиш, қалбларга жо этиш, амал қилиш сиз, муҳтарамларга осон бўлишини Буюк Яратгандан илтижо қиламан. Зеро,

وَكَالِمَةِ اللَّهِ هِيَ الْعُلْيَا

“Аллоҳнинг сўзи эса, у юксакдир” (Тавба, 40).

Дарҳақиқат, Қуръон ҳар бир замон ва маконга мос келувчи илоҳий Каломдир. У оилаларни ислоҳ қилиш йўлида бош омил ҳамдир.

وَوَصَّيْنَا الْإِنْسَانَ بِوَالِدَيْهِ إِحْسَانًا حَمَلَتْهُ أُمُّهُ كُرْهًا وَوَضَعَتْهُ
كُرْهًا وَحَمَلُهُ وَفِصْلُهُ ثَلَاثُونَ شَهْرًا حَتَّىٰ إِذَا بَلَغَ أَشُدَّهُ وَبَلَغَ
أَرْبَعِينَ سَنَةً قَالَ رَبِّ أَوْزِعْنِي أَنْ أَشْكُرَ نِعْمَتَكَ الَّتِي أَنْعَمْتَ عَلَيَّ
وَعَلَىٰ وَالِدَيَّ وَأَنْ أَعْمَلَ صَالِحًا تَرْضَاهُ وَأَصْلِحْ لِي فِي ذُرِّيَّتِي
إِنِّي تَبَتُّ إِلَيْكَ وَإِنِّي مِنَ الْمُسْلِمِينَ

«Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. Онаси уни (қорнида) қийналиб кўтариб юрган ва уни қийналиб туққандир. Унга ҳомиладорлик ва уни (сутдан) ажратиш (муддати) ўттиз ойдир. Бас, қачонки, у вояга етиб, қирқ ёшга тўлганида: “Эй Раббим! Менга ва ота-онамга инъом этган неъматингга шукр қилишга ва Ўзинг рози бўладиган солиҳ амални қилишга мени муваффақ этгин ва мен учун зурриётимни ислоҳ эт! Албатта, мен Сенга (гуноҳларимдан) тавба қилдим ва албатта, мен мусулмонлардандирман”, дейди» (Аҳқоф, 15).

Қуйида ушбу оятни ҳар жиҳатдан кўриб чиқамиз.

Ким бўлишларидан қатъи назар, ота-оналар фарзандлардан яхшилик кўришга энг муносиб кишилар эканини дунё тамаддуни тарихига бизнинг динимиз киритди.

“Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик”.

Ота-онага яхшилик қилиш – бу нафақат инсонгарчилик юзасидан бажариладиган амал, балки Аллоҳ таолонинг буйруғи ҳамдир. Ушбу ояти карима ота-онага яхшилик қилиш Исломда фарз эканига далилдир. Демак, ота-онасига ёмонлик қилаётганлар Аллоҳ таолонинг амрига қарши чиққанлари учун ҳам гуноҳқор бўладилар.

“Онаси уни (қорнида) қийналиб кўтариб юрган ва уни қийналиб туққандир”.

Бу ояти каримада онанинг фарзанддаги ҳақи отанинг ҳақидан кўра таъкидлироқ эканига ишора бор. Чунки она боласини машаққат билан кўтариб юради, қийинчилик билан дунёга келтиради, уни эмизиш ва парвариш қилиш ҳам онадан жуда кўп меҳнат, сабр талаб қилади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ مَنْ أَحَقُّ النَّاسِ بِحُسْنِ صَحَابَتِي؟ قَالَ: أُمُّكَ قَالَ: ثُمَّ مَنْ؟ قَالَ: أُمُّكَ قَالَ: ثُمَّ مَنْ؟ قَالَ: ثُمَّ مَنْ؟ قَالَ: ثُمَّ أَبُوكَ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

Абу Хурайрадан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Бир киши Расулulloҳнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) хузурларига келиб:

– Эй Аллоҳнинг Расули, одамлар ичида яхшилик қилишимга ким ҳақлироқ? – деб сўради.

– Онанг, – дедилар.

– Сўнгра ким? – деди.

– Онанг, – деб айтдилар.

– Яна ким? – деди.

– Онанг, – дедилар.

– Яна ким? – деди.

– Отанг, – дедилар» (*Икки шайх ривоят қилган*).

Онанинг ҳақи отанинг ҳақига қараганда уч баробар юқори қўйилишининг сабаби – она қиладиган учта иш борки, уларнинг ҳеч бирида ота онага шериклик қила олмайди.

Биринчиси – ҳомиладорлик, иккинчиси – туғиш, учинчиси – эмизиш. Бу машаққатли ишлар ёлғиз она зиммасида бўлгани учун ҳам даражаси уч карра юқорига қўйилди.

Ояти кариманинг ўзи ҳам онанинг фарзанддаги ҳақи отанинг ҳақидан улуғроқ эканига далолат қилиб турибди. Чунки оятнинг аввалида Аллоҳ таоло: **“Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик”**, деб ота-онани қўшиб зикр қилди, сўнгра **«Онаси уни (қорнида) қийналиб кўтариб юрган»**, деб онани хослаб зикр этди.

Инсондан бошқа махлуқларнинг болалари туғилишлари биланоқ оёқлари чиқиб, ўз кунларини ўзлари кўришга мажбурдирлар. Аммо одам боласи туғилганидан кейин ҳам узоқ муддатли парваришга муҳтож бўлади. Болага бундай меҳрибонлик ва шафқатни онасидан бошқа ким ҳам бера оларди? Ҳар бир инсон мана шу қийноқларни бошидан кечириб, туққан онасини ҳар қанча эҳтиром қилса, шунча оз.

“Унга ҳомиладорлик ва уни (сутдан) ажратиш (муддати) ўттиз ойдир”.

Баъзи уламолар ҳомиланинг энг оз вақти олти ой бўлиши мумкин, деган фикрни айтишган. Чунки бошқа оятда: **“Оналар болаларини тўла икки йил эмизадилар.** (Бу муддат) **эмизишни камолига етказишни истовчилар учундир”**, дейилган (*Бақара, 233*). Маълумки, икки йил йигирма тўрт ойдан иборат. Эмизиш билан ҳомиладорлик ўттиз ой бўлса, демак, ўттиздан йигирма тўрт чиқариб ташланса, олти ой қолади.

Ибн Аби Ҳотим Абдуллоҳ ал-Жухайнийдан қуйидаги қиссани ривоят қилади: “Биздан бир киши Жухайна қабиласига мансуб аёлга уйланган эди. У олти ойдан кейин бола туғди. Эри халифа Усмоннинг (розияллоҳу анҳу) ҳузурларига бориб, бўлган воқеани айтиб берди. У киши аёлини келтиришга одам юбордилар. Аёл туриб кийимларини кияётганда, синглиси йиғлай бошлади. У синглисига қараб:

“Нимага йиғлайсан? Аллоҳга қасам, менга эримдан бошқа ҳеч ким қўл теккизмаган. Аллоҳнинг Ўзи нимани хоҳласа, шу бўлади”, деди. Уни ҳазрат Усмоннинг ҳузурларига олиб келишганида, у киши аёлни (зинода айблаб) тошбўрон қилишга буюрдилар. Бу хабар ҳазрат Алига (каррамаллоҳу

важҳаху) етганда, у зот ҳазрат Усмоннинг олди-ларига келиб:

– Нима қиялпсиз? – деб сўради. Ҳазрат Усмон:

– Олти ойда туғибди, шундай бўлиши ҳам мумкинми? – деб жавоб берди. Ҳазрат Али:

– Агар бу аёл Қуръондан далил келтирса, сизни ютади, – деб айтди. Ҳазрат Усмон сўради:

– Қандай қилиб

Ҳазрат Али айтди:

– Аллоҳ таолонинг **“Унга ҳомиладорлик ва уни (сутдан) ажратиш (муддати) ўттиз ойдир”**, деган сўзини ўқиганмисиз? **“Оналар болаларини тўлиқ икки йил эмизадилар”**, деганини-чи? Шунда орадаги муддат олти ой қолмайдими?

– “Бу ёғи хаёлимга келмабди, Али бўлмаганда, ҳалокатга учрар эканмиз, – деди ҳазрат Усмон.

“Бас, қачонки, у вояга етиб, қирқ ёшга тўлганида: “Эй Раббим! Менга ва ота-онамга инъом этган неъматингга шукр қилишга ва Ўзинг рози бўладиган солиҳ амални қилишга мени муваффақ этгин...”

Комиллик ёши ўттиз билан қирқ ёш орасида бўлади. Оятда қирқ ёш зикр қилинди. Ҳамма пайғамбарлар, жумладан, Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам қирқ ёшида пайғамбар бўлганлар.

Инсон шу ёшга боргач, шошилмасдан, ҳовлиқмасдан ва хиссиётларга берилмасдан, ақл билан иш кўрадиган бўлади. Бу борада халқимиз орасида муболаға тарзида “Қирқдан кейин узр йўқ” деган мақол ҳам айтилган. Қирқни қоралаган киши фақат ўзини эмас, балки ота-онаси, фарзандларини ўйлайдиган бўлиб қолади. Охирати ҳақида қайғуриб, шукр ва солиҳ амаллар учун Аллоҳдан ёрдам сўрайдиган, гуноҳларига тавба қилиб, му-

сулмонлигини эътироф этадиган бир мақомга эришади.

“...ва мен учун зурриётимни ислоҳ эт! Албатта, мен Сенга (гуноҳларимдан) тавба қилдим ва албатта, мен мусулмонлардандирман”, дейди”.

Ушбу ояти кариманинг нозил бўлиш сабаби ҳақида бизга асрдош муфассир ва фақиҳларимиздан Доктор Ваҳба Зухайлий “Тафсирул Мунир” китобида имом Воҳидийдан, у киши машҳур саҳобий Абдуллоҳ ибн Аббосдан (розияллоҳу анху) ривоят қилади: «Ибн Аббос айтади: “Ушбу ояти карима ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анху) ҳақларида нозил бўлган. У киши ўн саккиз ёшларида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан дўст бўлганлар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) у вақтда йигирма ёшда эдилар. Икковлари тижорат мақсадида Шомга бордилар. Тўхтаган манзилларида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сидр дарахти соясида сояланиб ўтирдилар. Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анху) эса ўша ердаги роҳиб олдига диндан сўраш учун борди. Роҳиб Абу Бакр Сиддиқдан (розияллоҳу анху): “Сидрнинг соясида турган йигит ким?” деб сўради. Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анху): “Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб”, деди. Роҳиб: “Аллоҳга қасам, бу набийдир. Исо ибн Марямдан сўнг бу дарахт остида ҳеч ким сояланмайди, фақат Аллоҳнинг набийи Муҳаммадгина сояланади”. Шунда Абу Бакр Сиддиқнинг (розияллоҳу анху) қалбларида ишонч ва тасдиқ кўпайди. Сафарда ҳам, ҳазар (муқимлик)да ҳам Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ажрамайдиган бўлдилар.

Муҳаммад (алайҳиссалом) пайғамбар бўлганларида, Абу Бакр Сиддиқнинг (розияллоҳу анху)

ёшлари ўттиз саккизда эди. Муслмон бўлдилар ва Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳнинг Расули эканларини тасдиқладилар. Орадан икки йил ўтиб, Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу) ҳам қирқ ёшга кирдилар ва бундай дуо қилдилар: **“Эй Раббим! Менга ва ота-онамга инъом этган неъматингга шукр қилишга ва Ўзинг рози бўладиган солиҳ амални қилишга мени муваффақ этгин ва мен учун зурриётимни ислоҳ эт! Албатта, мен Сенга (гуноҳларимдан) тавба қилдим ва албатта, мен муслмонлардандирман».**

Имом Али (розияллоҳу анҳу) бундай дейди: “Бу оят Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу) ҳақларида нозил бўлган. Чунки Абу Бакр Сиддиқнинг (розияллоҳу анҳу) отаси Абу Қўҳофа Усмон ибн Омир, онаси Уммул Хайр Салмаъ бинт Сохр икковлари ҳам Исломни қабул қилдилар. Муҳожирлар орасида Абу Бакр Сиддиқдан (розияллоҳу анҳу) бошқа ҳам отаси, ҳам онаси Исломни қабул қилган киши йўқ эди. Аллоҳ таоло икковларига ҳам яхшилик қилишни буюрди.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) **“Ўзинг рози бўладиган солиҳ амални қилишга мени муваффақ этгин ва мен учун зурриётимни ислоҳ эт!”** ояти ҳақида шундай деганлар: «Аллоҳ таоло Абу Бакр Сиддиқнинг (розияллоҳу анҳу) дуосини ижобат қилди. Ҳазрат Билол ва Омир ибн Фуҳайра каби Аллоҳга бўлган имони туфайли азобланаётган мўминлардан тўққиз нафарини сотиб олиб, озод қилдилар.

Аллоҳ таоло қандай хайрли ишга чақирса, Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) бу ишда Набийнинг (алайҳиссалом) ёрдамчилари эди.

Абу Бакр Сиддиқнинг (розияллоҳу анҳу) фарзандларидан, ота-оналаридан имонга келмаганлари қолмади. Саҳобалар орасида ота-онаси, ўзи, фарзандлари, ҳатто набиралари саҳобий бўлган зот фақат Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу) эдилар. Мана шунинг ўзи у кишининг дуолари ижобат бўлганига далилдир».

Буюк ватандошимиз Имом Бухорий “Саҳиҳ”-ларида Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Сизлардан бугун ким рўза тутди? – деб сўрадилар. Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу):

– Мен, – деди. Пайғамбар (алайҳиссалом):

– Сизлардан ким бугун жанозага қатнашди? – дедилар. Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу):

– Мен, – деди. Пайғамбар (алайҳиссалом):

– Сизлардан ким бугун мискинга таом берди? – дедилар. Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу):

– Мен, – деди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Сизлардан ким бугун бемор зиёратига борди? – дедилар. Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу):

– Мен, – деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Кимда булар жам бўлган бўлса, жаннатга киради, – деб айтдилар».

Исло уммати бирлашиб, Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кейинги энг афзал инсон деб билган Абу Бакр Сиддиқни (розияллоҳу анҳу) Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада дуо қилувчи сифатида зикр қилди. Дуогўй Аллоҳ таолодан учта нарсани сўради:

Биринчиси – неъматга шукр келтиришга муваффақ этишини; иккинчиси – Аллоҳнинг ҳузурида

рози бўлинган амални; учинчиси – солиҳ зурриётни.

Бу билан нафсий, баданий ва наслий саодатнинг барча тарафларини жамлади. Шундан мулоҳаза қилинадики, Аллоҳ таоло шукрни амалдан муқаддам қўйди.

Аллоҳ таолонинг неъматларига шукр келтириш учун илҳом талаб этиш тоатлар ва амаллар Аллоҳ таолонинг ёрдами билангина мукамал бўлишига далолат қилади. Оят охиридаги:

“Албатта, мен Сенга (гуноҳларимдан) тавба қилдим ва албатта, мен мусулмонлардандирман”, деган жумла дуо-тавба Исломга ва Аллоҳ таолонинг амрига буйсуниш билан тўлиқ бўлишига далолатдир.

Муҳтарам ўқувчи! Агар эътибор қилган бўлсангиз, биз тафсири билан танишган бу ояти қарима аслида кўркам бир ҳаётни таърифлаб бермоқда.

Бу шариат чегарасидан чиқмаган ҳаётдир.

Бу инсонни дунёга келтирган ота-онасига яхшилик қилишни, онанинг машаққатларини, боланинг эмиши, гўдаклигидан тортиб ўсмирлиги ва вояга етган даврини ўз ичига олган ҳаётдир.

Бу мусулмон инсоннинг қирққа борганида дуо қилишини, ота-онасини эслаб, ўзи ҳақида қайғуриб, фарзандлари ғамини ҳам еб, охират йўлида гуноҳларига тавба қилишини, мусулмонлигини эътироф этишини ўз ичига олган ҳаётдир.

Бу туғилган чоғидан бошлаб яратган Парвардигор ҳузурига йўл олгунга қадар бутун бир инсон ҳаёти акс этган, рози бўлинган, оддий мусулмон ҳаётидир.

Дарҳақиқат, Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу) улкан фазл соҳиби бўлганлар. У киши ота-оналари, ўзлари, рафиқалари, фарзандлари ва набира-

лари мусулмон бўлганларини буюк неъмат деб билганлар ва шукронаси учун Аллоҳдан мадад тилаганлар.

Биз-чи? Ахир бизнинг оталаримиз, боболаримиз, уларнинг боболарининг боболари асрлар оша мусулмон бўлиб келганлар-ку. Ўзимиз ҳам, фарзанду набираларимиз ҳам, алҳамдулиллаҳ, ушбу дин вакилимиз. Бу буюк неъмат эмасми? Бунинг шукронасини қандай адо қилмоқдамиз?

Мавсумда тўйлар кўп, деб қувонамиз. Наҳорги ошлар, тўйхоналар бандлиги – булар ҳаётимизнинг кундузи, ёруғ кунларидир. Шуни унутмайликки, қанчалик ширин бўлмасин, ҳаётнинг кечаси ва қоронғи тунлари ҳам бор. Ёш оилаларнинг ажрашиши, ёлғиз эркак ва бева аёллар кўплиги, кўзлари маъюс, ўртада ҳайрон фарзандлар – булар бугун ҳар бир виждон эгасининг муаммоси, мушкулотларидир.

Оилаларни ислоҳ қилиш йўлида нима қилмоғимиз керак? Аввало, никоҳ алоқаси инсоний алоқалар ичида энг муқаддаси эканини, никоҳ Қуръон ва суннатда бош мавзулардан бири сифатида таъкидланганини ва бунинг ҳикмат ва сабабларини ёшларимиз онгига сингдиришимиз лозим. Қатъий билишимиз керакки, инсон наслининг муҳофазаси учун зино ҳаром қилинди, никоҳга эса буюрилди. Шунинг учун бола оила қуриш ёшига етганида, ота-онаси уни оилали қилиб қўйишга шошилмоғи керак. Акс ҳолда, балоғатга етган бола ўз шахвоний нафсини гуноҳ йўллар билан қондиришга ўтади. Бу эса зинодир! Унинг яқинига ҳам йўлаб бўлмайди. Зино нафақат оилани, балки бутун жамиятни бузувчи жирканч иллатдир.

Ҳаётий тажрибалардан маълум бўлмоқдаки, ёшлар ўз вақтида оила қура олмасликларига сабаб ик-

кита экан: ота-оналар орзуси ва ҳар хил бидъатлар. Орзу-ҳавас деган нарсани нотўғри тушунадиган ота-оналар дабдабали, эл оғзига тушадиган тўй қилиш учун йиллар давомида йиғинади. Ҳатто бу борада мақоллар ҳам тўқилди: “Қизни бешикка сол, сепини сандиққа”, “Қиз чиқарганга қирқ йил тегма”...

Чегара билмас орзу-ҳаваслар эвазига келадиган машаққатлар бора-бора оилада қиз туғилиши малол кўрилишига сабаб бўлиб қолмоқда.

Ёки бидъат-хурофотларга кўр-кўрона эргашиш оила қуришдек хайрли ишнинг кечикишига сабаб бўлаётганига бир оз тафаккур назари билан қарайлик. Масалан, бир хонадонда тўй бўлмоқчи, тўйга саноқли кунлар қолган. Ўша оилада ёки унга қариндош оилаларда жаноза бўлиб қолса, тўй қолдирилади. Майитнинг етиси, қирқи ва йили ўтмагунча тўй ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Фараз қилайлик, баъзан оилаларда жанозалар кетма-кет бўлиб кетса, унда ёшларга жабр бўлмайдими? Ҳолбуки, динимизда эри ўлган аёлдан бошқалар учун мотам кунлари уч кундан ошмаслиги кераклиги таъкидланган.

Аслиятдан четлашиш оқибатида бугун қизлар гўёки эрга эмас, қайнонага узатилаётгандек. Тўғри, қайнота ҳамда қайнона ота-она ўрнида бўлади. Лекин бу келин қайнонанинг қўлига худди бир хизматкордек боради, дегани эмас. Албатта, ҳамманинг ҳурмати ўз жойида, лекин шариатнинг ҳурмати ҳамманикидан баланддир.

“Мана бу ғорга кирма, унда захарли илон бор”, дейилса ҳам, ғорга кирган киши ё у гапга ишонмаган, ёки илондан кўрқмаган бўлади. Гўзал ҳаёт қуриш учун қанча оят-ҳадислар айтилса ҳам, парво қилмаган инсон ё оят-ҳадисларга ишонмаган, ёки ёмон ҳаётни танлаган бўлади.

Оила аҳллари ўзаро хуш муомалада, меҳр-муҳаббатли бўлиб, фақат яхшилик асосида маъруф йўлларда ҳаёт кечиришсагина, ҳаёт чинакам гўзал бўлади.

Хулосамизни икки дунё саодати дарвозасининг калити бўлмиш пурҳикмат ояти карима билан яқунлаймиз:

وَعَاشِرُوهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ

яъни “...Улар билан тотув турмуш кечиринг”
(Нисо, 19).

Фойдаланилган манбалар

1. Қуръони карим.
2. Ваҳба Зухайлий. «Тафсирул мунийр филақийдати ваш-шарийъати вал манҳаж». Дорул фикр. Дорул фикри ал-Муъасир. Дамашқ, Байрут, 1418 ҳ.с./1998 м.с.
3. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ». Тошкент, 1973.
4. Муҳаммад ибн Исо Термизий. «Шамоили Муҳаммадия». Тошкент. «Меҳнат», 1991.
5. Рамазон Бутий. «Фикҳус-сийра».
6. Сафийюр Роҳман Муборақфурий. «Ар-Роҳиқул Махтум».
7. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. «Тафсири Ҳилол». Тошкент. «Шарқ», 2011.
8. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. «Ҳадис ва Ҳаёт» туркуми. Тошкент. «Шарқ», 2011.
9. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. «Бахтиёр оила». Тошкент. «Шарқ», 2011.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Никоҳ ва оилага муносабат.....	15
Оила жамиятнинг бугини ва асосидир.....	22
Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хонадонлари	30
Уй жиҳозлари.....	31
Қариндошлар билан алоқалари.....	33
Пайгамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уйларида ўзларини тутишлари.....	35
Турмушдаги хусусиятлари	36
Қизларига муомалалари.....	38
Аҳли аёлларига муносабатлари.....	42
Маънавий камолотлари ва олий ахлоқлари	61
Эр-хотинлик ҳуқуқлари	70
Аҳли аёлига хизмат ва нафақа қилиши	74
Ака-укалик ҳақлари.....	77
Катта аканинг ўрни.....	80
Хулоса.....	82
Фойдаланилган манбалар	94

Диний-маърифий нашр

РАҲМАТУЛЛОҲ САЙФУДДИНОВ

ИБРАТЛИ ХОНАДОН

Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз МАНСУР
Муҳаррирлар Шариф ХОЛМУРОД,
Абдул ЖАЛИЛ ХЎЖАМ,
Жамшид ШОДИЕВ
Бадиий муҳаррир Элнур НИЁЗ ўғли
Саҳифаловчи Толибжон ҚОДИРОВ
Мусаҳҳиҳа Нодира ОХУНЖОНОВА

Нашриёт лицензия рақами: АІ 146. 2009.14.08.

Босмахонага 2013 йил 21 августда топширилди. Босишга 2013 йил 23 августда рухсат этилди. Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84 x 108 $\frac{1}{32}$. Ҳарф гарнитураси PT Serif. Офсет босма усули. Ҳисоб-нашриёт т.: 3.18. Шартли б. т.: 6,0.
Адади: 5000 нусха.

_____сон буюртма. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Movaqounnahr” нашриётида тайёрланди.
Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар
Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.
Электрон почта: *m-nashr@yandex.ru*.
Тел: (8-371) 227-34-30

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
босмахонасида чоп этилди.
100128, Тошкент шаҳар Шайхонтохур кўчаси 86-уй.
www.gglit.uz, e-mail: iptdgulom@sarkor.uz, info@gglit.uz